



ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat_gazeta@message.uz • www.adolat.uz • № 49-50 (909) • 2012-yil, 8-dekabr, shanba

Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Қадрли дўстлар!
Мухтарам меҳмонлар!

Авалло, сиз азизлар билан мана шу гўзал ва муҳташам саройда учрашиб турганимдан, шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга чуқур ҳурматимни билдириш, сийҳат-саломатлик, бардамлик, тинчлик-омонлик тилашдан бахтиёрман.

Бугун биз Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги кутлуғ сана — халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб, миллий давлатчилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берган Конституциямизнинг 20 йиллигини байрам қилмоқдамиз.

Ана шу улғу айём билан сизларни, сизларнинг тимсолин-гизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши аввало Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган

принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустақам асосга эга эканини яққол намоён этади.

Тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгиланишларни чуқур англаш, тасаввур этиш учун биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик, деган табиий саволни бериш ўринли деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ўз салоҳияти ва аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, бугунги кунда демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган, куч-қудрати тобора юксалиб, замонавий кўптармоқли иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айланиб бораётгани мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўриш мумкин.

Ўтган даврда бизнинг қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни энг би ўтишимизга тўғри келгани ҳаммамизга яхши маълум. Лекин буларнинг барчасига қарамасдан, Ўзбекистон

иқтисодиёти йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Агарки, шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, 30 миллионга яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган вақт мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Бу ҳақда сўз борганда, 2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008-2012 йилларда, яъни охириги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Давоми 2-3-бетларда ➤



Мамлакатимиз тараққиётининг ҳуқуқий асоси

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг йигирма йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндлари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давоми 3-бетда ➤

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Президентимиз Ислон Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Президентимиз Ислон Каримовнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида мамлакатимиз тараққиётга катта ҳисса қўшган, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнат ва намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга бўлган бир гуруҳда юртдошларимиз давлат мукофотлари — фохрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Авваламбор, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган сиз азизларни Конституциямизнинг йигирма йиллик кутлуғ байрами билан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга катта хурсандчилик етказди, — деди Ислон Каримов. — Ҳар йили Конституция куни арафасида мана шу муҳташам саройда тўпланиб, Ватанимиз равнақи йўлида ўзининг фидойи ва ҳалол меҳнати билан бошқаларга

ибрат ва намуна бўлиб келаятган, юксак унвон, орден ва медалларга муносиб бўлган юртдошларимизга ушбу мукофотларни тантанали равишда топшириш яхши анъанага айланиб қолди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни, сизларнинг тимсолин-гизда шу кунларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни ғойибона бағримга босиб, муборакбод этиш, энг самимий тилакларимни билдириш мен учун катта шарофдир.

Бугун бир ҳақиқатни мамнуният билан такрор айтмоқчиман: ҳаётимизнинг барча жаб-ҳаларида, иқтисодиётимиз

нинг турли соҳаларида — бу саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги бўладими, қурилиш, транспорт-коммуникация тизими бўладими, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, тинч-осуда ҳаётимизни ҳимоя қилиш бўладими, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спортни ривожлантириш бўладими — лўнда қилиб айтганда, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ислохотларни изчил амалга оширишга, юртимизнинг гуллаб-яшнашига бор билим ва таҳрибатини бағишлаб, катта ҳисса қўшаётган сизлар каби минг-минглаб инсонларнинг хизматларини, мардлик, одамийлик, бағрикенглик фазилатларини халқимиз муносиб баҳоломқда, деди Президентимиз.

Ҳозирги кунда дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда қанча қанча қийинчилик, қанча нотинчлик, инқироз кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонимиз юксак марраларга эришаётган экан, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, бундай ютуқлар аввало халқимизнинг хурматида сазовор бўлган сиз азизларнинг фидокорона меҳнатингиз ҳисобидан қўлга

киритилаётганини эл-юртимиз юксак қадрлайди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда аввало халқимизнинг меҳнати ва матонати, амалга оширилаётган чуқур ислохотлар ҳисобидан, янги мақсадларга интилиш ҳисобидан эришилаётган ютуқ ва марраларнинг жаҳон миқёсида тан олинаётганининг ўзи барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ана шундай юксак эътироф ҳақида гапирганда, биз яхши тушунамиз, англаймиз: бундай марраларни эгалаётганимиз, уларни халқаро жамоатчилик тан олаётгани негизда мана шу муқаддас юртимиз, гўзал диёримизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси бор, албатта, деб таъкидлади Президентимиз.

Шу маънода, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз, ана шу ютуқларда менинг ҳам хизматим, менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб айтишга ҳақли, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Давоми 3-бетда ➤

«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ»
газетасига
2013 йил учун
обуна давом
этмоқда!
Вақтида обуна
бўлишни унутманг,
ана шунда
газетани излаб
овора бўлиб
юрмайсиз,
«АДОЛАТ»нинг
ўзи
ишхонангизга ёки
уйингизга
кириб келади!
«АДОЛАТ»
доимий
ҳамроҳингиз
бўлиб қолсин!

Нашр кўрсаткичи
100.



Янги архив биноси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишлаб жойларда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам байрам арафасида янги қурилган вилоят фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) ҳамда давлат нотариал идораларнинг марказлашган архиви биноси фойдаланишга топширилди.

Ўзбек халқи эркининг ифодаси бўлган Ўзбекистон Конституцияси мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қонуний замини ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолати сифатида муҳим ўрни тутди. Президентимиз таъбири билан айтганда, Конституция

«янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам, суверен давлатимизнинг қонунчилик — ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди».

Давоми 7-бетда ➤

Сиёсат

Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Давоми. Боши 1-бетда

Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституциямизда мустақамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, "Ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт модели муҳасам топган.

Шулар ҳақида гапирганда, авваламбор, тадрижий тараққиёт концепциясини амалга ошириш, иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, демократик ислохотларни босқичма-босқич жорий қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролини тан олиш ва ўтиш даврида унинг таъсирини ошириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби принципларни кўзда тутамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, таъкидлаш керакки, ҳар қандай демократик тизим негизда ётган — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармокларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, **сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислохотларнинг таъсирини кўрашимиз.**

Бу — собиқ совет давридаги марказлашган режали-таксимот тизимидан воз кетиш, ва, бозор иқтисодиётининг бутун дунёда қабул қилинган тамойилларига ўтиш, Ўзбекистонда стратегик тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида **хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустақамлаш демократизм.**

Бу — айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосда бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати, мамлакатни ислох этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлайдиган ўрта синф — **яъни мулкдорлар синфини шакллантириш натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.**

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий қадрият деб билладиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтлари ва телевидение тизимида сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган вазифалар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида", "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида", "Жамоат назорати тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органи фаолиятининг очилиғи тўғрисида" ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошқоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қилади.

Бу йил қабул қилинган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг роли ва аҳамияти бағоят катта, деб ўйлайман. Бу қонунда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустақамлаб қўйилган. Бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органилари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Ҳозирги вақтда янги тахрирда амал қилаётган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва улар асосида имзоланган "Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик

риш, бугунги дунёдаги тарихий ва реал воқеликни эътиборга олиш ҳисобидангина бу ислохотларнинг муваффақияти ва самарадорлигини, давлат ва жамиятнинг, аҳоли турмуш даражасининг юксак ва барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлаш мумкин.

Демократик ислохотларни қандайдир ҳавоий мақсадлар, амбициялар ва сохта обрў топиш учун сунъий равишда тезлаштириш, ўз хоҳишини амалдаги ҳақиқат деб кўрсатишга уриниш одатда тескари натижага олиб келади ва буни кўпалаб мисолларда кўриш қийин эмас.

Концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича бугунги кунга қадар мамлакатимиз Парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилинди, 30 дан ортқ қонун лойиҳаси эса кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида турибди.

Шулар қаторида 2011 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80, 93, 96, 98-моддалар) ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги гоят муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун Президент — Давлат бошлиғи билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармокларини ўртасида янада мутаносиб конституциявий ваколатлар тақсимиотини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда, шунингдек, Боз, вазирга ишончсизлик вотуми билдириш, институт жорий этилган, айрим ваколатлар Президентдан Сенатга — Парламентимизнинг юқори палатасига ва мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасига берилган, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари сезиларли равишда кенгайтирилган.

Парламентимиз томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги ва "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга киритилган қўшимчалар ҳам сайлов қонунчилигини янада тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш ва янада либераллаштириш, "Хабас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳамда ахборот тизимини ислох этиш, хусусан, мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан модернизация қилиш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган ахборот-коммуникация технологиялари ва телевидение тизимида сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган вазифалар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида", "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида", "Жамоат назорати тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органи фаолиятининг очилиғи тўғрисида" ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳам гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошқоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қилади.

Бу йил қабул қилинган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг роли ва аҳамияти бағоят катта, деб ўйлайман. Бу қонунда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустақамлаб қўйилган. Бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органилари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Ҳозирги вақтда янги тахрирда амал қилаётган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Рақобат тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва улар асосида имзоланган "Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик

бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, шунингдек, "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияладиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармонлари ва бошқа қарорлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш ва бунинг учун зарур ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибадорлигини ва қўлайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шу борада айтилган фикрларни яқунлаб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимизда бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ана шу барча қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормаларнинг ижросини мониторинг қилиш ва назоратга олиш ташки ва жаҳон бозорларида глобал инкироз авж олиб бораётган бир шароитда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қадрили дўстлар! Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси ҳақида тўхталиб ўтиш кўп вақт талаб этади ва ўз-ўзидан равшанки, бунинг ҳолати ҳам йўқ.

Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётида қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни, ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимида қўйган бош мақсадимизга, яъни, **Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек** буюқ мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини аниглаш ва баҳолаш биз учун айниқса муҳимдир.

Ана шундай юксак мақсадларга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бу — ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг онгу тафаккури ва дунёқарашида ўз бераётган ўзгаришлар, унинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабати, тобора ўсиб бораётган сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, десам, асло муболага бўлмайди.

Эски мустабид ўтмишнинг оғир юки ва мёроси ҳаётимизда барҳам топмоқда, одамларимиз бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини яхши тушуниб етмоқда, уларнинг миллий манфаатларимизга нақадар жавоб бераётгани ёки бермаётганини ўзига аниқ тасаввур этмоқда. Нега деганда, шуни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим, **биз кўпни кўрган, курашларда тобланган, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, муқаддас динимиз ва қадриятларимизни юксак баҳоладиган халқимиз.**

Мухтасар қилиб айтганда, эл-юртимиз нималар ҳисобидан, қандай оғир ва машаққатли кунлар, синовларни бошдан кечириб, бугунги ютуқ ва марраларга эришганини ҳолисона баҳолаб, ҳар қандай қиёҳаво кайфиятларига берилмасдан, оёғимиз ердан ўзимласдан, эртанги ёруғ, ҳеч кимдан кам бўлмайди-кан келажақимизга онгли равишда қадам қўймоқдамиз.

Бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва сунъачимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир.

Бу — Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё миқёсида катта қизиқчи ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узоқ бўлган, замонавий касб-хунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилайдиган бизнинг фарзандларимиздир.

Ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўланма олмақда.

Ишончим қамол, бундай ёшларимизнинг сафи қанча кўпайса, қанча ривож топса, ҳеч шубҳасиз, марра бизники, Ўзбекистонникидир.

Хурматли дўстлар! Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд моҳроларнинг кескинлашу-

ви ва янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовутлар негизда вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда.

Ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиб кетиши хавфи, мурасасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескинлик ўқоқларининг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта таъвиш уйғотмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бундай жараёнларнинг барчаси жаҳондаги йирик давлатларнинг манфаатлари ўзaro тўқнашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ортқча гапириб ўтиришнинг ҳолати йўқ, деб ўйлайман.

АЙСЕФ деб аталмиш коалицион қўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин қўшни Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтганда бўлса, мамлакатда ахвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Воқеаларнинг ана шундай йўналишда ривожланиши бугунги қарама-қаршиликлнинг миллатлар ва эллар ўртасидаги моҳорога айланиб кетиши, Афғонистонда фуқаролар урушининг ангитдан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли экспертлар томонидан истисно этилмапти.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳокама этилаётган энг мақбул вариант — бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонда қўшни мамлакатлар ва шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳини шакллантиришдан иборат.

Бу гуруҳ ҳаёти-ҳаракатларининг бош мақсади ўзaro кураш олиб бораётган қўллар ўртасида муроғаса эришиш ва коалицион афғон ҳукумати шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносиб муқобил варианты йўқ.

Ўзбекистон ўзининг қўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлакатига келажагини ўйлаб танлаган йўлини ҳурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам шу принципга амал қилади.

Халқаро ҳамжамиятда катта акс садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун асосида айнан ана шундай ёндашувлар муҳасам дидир.

Мазкур концепция давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон, авваламбор, мамлакатимиз ташки сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини қўзғалган ҳолда:

турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва ҳудудий ҳақлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида; очик, изчил ва фаол ташки сиёсат олиб бориши ҳақидаги принципларини аниқ-равшан баён этади.

Ўзбекистон мафкуравий тамойил-

лар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуролли моҳорлар ва кескинлик ўқоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келаётган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартафоз этишнинг қатъий тарафдоридир.

Минтақамизда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжихатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ана шундай ташки сиёсатини халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади.

Ишончим қамолки, Ўзбекистон ташки сиёсатини айни шу принципларга асосланиб олиб боришни барча юртдошларимиз, бутун халқимиз қўллаб-қувватлайди.

Хурматли дўстлар!

2012 йилга мамлакатимизда "Мустақам оила йили" деб ном берганимиз ва шу асосда азал-азалдан ҳаётимизнинг таянчи ва сунъачи бўлиб келган, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўлини бўлиши оила институтини янада ривожлантиришга қарор қилганимиз халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилга айни шундай ном бериш орқали ҳаёт абадийлигини, ҳар қайси инсоннинг бахту саодати, келажаги, орзу-интилишларини муҳасам этакдиган оилани янада мустақамлаш ва фаровонлигини ошириш, бу борада олиб бораётган барча ишларимизни янги босқичга кўтаришдек олиханоб режаларни амалга ошириш кўзда тутилган ҳаммамизга яхши аён.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурининг ижроси, унда белгиланган кенг қўламли чора-тадбирларни бажариш натижалари, уларнинг амалий таъсири ва самараси ҳақида йил якунига кўра жойларда бўлиб ўтадиган йилгишларда албатта батафсил ҳисобот берилади, деб ўйлайман.

Бугун эса, руҳсатингиз билан, ана шу дастурнинг маъно-мазмунини ифода этган энг асосий ва устувор йўналишлар бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.

Биринчи навбатда, **оила институтини мустақамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш** масалаларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим.

Шу борада бугун замон талаб этаётган оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш ва бунинг учун ҳуқуқий нормаларни шакллантириш, Оила кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги ва шунга ўхшаш бир қатор қонунларни қабул қилиш шулар жумласидандир.

Жорий йилда оила, биринчи навбатда **ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш** каби ўта муҳим масалалар диққатимиз марказида бўлди.

Ана шу мақсадда "Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳукумат қарори қабул қилинди. Шу асосда ёш оилалар учун 2012-2013 йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та кўпқаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шундай уйлارни сотиб олишда қўлай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдориди микрокре-

дитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мазкур банklar томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзгор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилган ёш оилаларнинг рўзгорини бутлашда, уларнинг оёққа туриб олишида катта мадад бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилгани 40 мингга яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон берди.

Дастур доирасида биз **эҳтижманд оилаларга ижтимоий ғамхўрликни янада кучайтиришга** алоҳида эътибор берганимиз ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Шулар ҳақида гапирганда, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилаларга 8 минг 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй паррандаси тарқатилганини қайд этиш лозим.

Жорий йилда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларга қиймати қарийб 28 миллиард сўмдан иборат бўлган қишқи кийим-кечак берилди. Янги ўқув йилида 510 мингга яқин биринчи синф ўқувчиси, шунингдек, уйда таълим олаётган, имконияти қелганган 11 мингга яқин бола давлат бюджети ҳисобидан 12 турдаги ўқув анжомлари тўплами билан таъминланди.

Айни вақтда ўқувчи қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ва рақобатлантириш мақсадида 190 мингта спорт кийимлари тўплами уларга совға тариқасида берилган, 50 минг нафар бола бепул, 270 минг нафар бола эса имтиёзли асосда ёзги оромгоҳларда дам олдирилганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, юртимиз бўйича мингдан ортқ ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган ёш оиланинг никоҳ тўйлари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўтказиб берилди.

2012 йилда яна бир долзарб вазифа — **аҳоли бандлигини таъминлаш** масаласига устувор аҳамият қаратилди. Бу борада кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини алоҳида тилга олиш зарур, деб биламан.

Йил давомида 107 мингдан ортқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани биз учун ўта муҳим бўлган бандлик масаласини ечишда яна бир жиддий қадам бўлди.

Парламентимиз қабул қилган **оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш** борасидаги қонунларимиз асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўми, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўми ташкил этди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёллар учун Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 218 минг евро миқдориди микрокредитлар ажратилди.

Аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини енгиллаштири

Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Давоми. Боши 1-2-бетларда

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда электр маиший техникаси ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда аввалги йилларга нисбатан 4 баробар ошди.

Юртимиздаги оилаларга уч йилга мўлжалланган 317 миллиард сўмга яқин истеъмол кредитлари ажратилгани опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳолининг турмуш маданиятини оширишга қаратилгани билан айниқса аҳамиятлидир.

Шу ўринда яна бир эътиборга лойиқ масалага тўхталмоқчиман. Бу йил **қишлоқ аҳоли пунктларини марказлашган тармоқлар тарқати тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш** бўйича қўрилган қўшимча чора-тадбирларга асосан қарийб 108 миллиард сўм ва 96 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ сарфланиб, 1 минг 220 километрдан зиёд янги сув тармоқлари барпо этилди ва реконструкция қилинди. Бу эса 872 та аҳоли пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

Етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини кучайтириш, **оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш** бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди.

Бу ҳақда гапирганда, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорлиқни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Ана шу тадбирлар ҳисобидан юртимиздаги 4,5 миллиондан зиёд ўқувчининг 76 фоизи мактаблар ва "Баркамол авлод" болалар марказларида таълим этилган фан, муסיқа ва санъат тўғрақларида, спорт машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

Йил давомида мингга яқин умумтаълим мактаби замонавий компьютер хоналари, 1 минг 150 тадан зиёд касб-хунар коллежидидаги ўқув устaxonалари амалий машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозлар, хомашё маҳсулотлари билан таъминланди. "Электрон таълим" лойиҳаси доирасида олий ўқув юр்தларининг кутубхона фондларини электрон шаклга ўтказиш борасидидаги дастурий ишлар бошланди.

Интернет тармоғида ишлаш кўникмаларини эгаллаш бўйича қишлоқ ёшлари учун ишлаб чиқилган махсус ўқув дастури асосида 30 мингга яқин йигит-қиз ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўз билимини оширишга муваффақ бўлди.

"Мустаҳкам оила йили" дастури асосида **соғлиқни сақлаш соҳаси** бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилганини бугун мамнуният билан таъкидлашга ҳаққимиз.

Хусусан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан

бошлаб жорий этиб келинаётган, халқро ҳамжамият томонидан тан олинган "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасидидаги чора-тадбирларимиз йил давомида янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқро жамғармалар билан ҳамкорликда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташхис қўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнинг олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд қўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий қўриқдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз.

Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Шу борада Тошкент шаҳрида 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларида иборат маблағ ҳисобидан қуриб битказилган, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиожарроҳлик мажмуаси бугунги кунда ўткир муаммо бўлиб турган юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этиши билан айниқса эътиборлидир.

Таъкидлаш керакики, "Мустаҳкам оила йили" жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий қадриятларни асраб-авайлаш, юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши туришда бекиёс куч бўлган оиланинг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган кўплаб тадбирларга, жумладан, турли қўрик-танловлар, фестиваллар, кўргазма ва ижодий кечаларга бой бўлди.

Мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга молик бошқа объектлар қатори **замонавий спорт иншоотлари барпо этиш, бу йўналишдаги инфратузилма тармоқларини янада кенгайтириш** борасидидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Биргина жорий йилнинг ўзида 168 та болалар спорт объектлари фойдаланишга топширилди ва бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болаларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди.

Юртимизда спорт соҳасини янада ривожлантириш, ўзбек футболни ривожини янги босқичга кўтариш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида замонавий "Бунёдкор"

спорт мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилгани мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини яна бир бор ёрқин намоен этди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу мажмуа ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида юксак марраларни эгаллашига, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган тизимли ишларимиз бугунги кунда ўзининг амалий самараси ва ҳосилини бермоқда.

Ўзбекистоннинг футбол бўйича иккита терма жамоаси — **ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз ҳамда ёшлар терма жамоамиз Осиё китъасининг манаман деган, энг кучли мамлакатларининг терма жамоалари билан кескин курашларда галаба қозонгани**, келгуси йили жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгани, ҳеч шубҳасиз, нафақат футбол ишқибозлари ва спорт мухлисларини, ўйламанки, бутун халқимизнинг кўнгилни кўтариб, гурур ва ифтихор етказди, десам, адашмаган бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, ёш футболчиларимизга, Ватанимиз байроғини халқро майдонларда баланд кўтариб келаётган барча спортчиларимизга, устоз-мураббийларга ташаккур билдириб, уларга бахт ва омад тилашга руҳсат бергайсиз.

Мустаҳкам ватандошлар! "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида батафсил сўз юритишга кўп вақт кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Мен бу ўринда эътиборингизни фақатгина битта рақамга қаратишни жоиз, деб биламан.

Дастур доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларида зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйламанки, бизнинг амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нақадар кенг ва улкан эканидан яққол далolat беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, хорижий ва халқро тузилмаларга, шу залда ўтирган чет давлатларнинг элчилари ва дипломатик ваколатхоналар вакилларига, эзгу мақсад йўлида сидқидилдан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, "Мустаҳкам оила йили" ўзининг тўб мазмун-моҳияти, руҳи ва фалсафаси билан, амалий таъсири ва натижаси билан эл-юртимиз хотирасида чўқур из қолдиради, десам, сиз азизлар шу фикрга қўйиласиз, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаятган янги — 2013 йилга қандай ном бериш ҳақида маслаҳатлашиб олишимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бизнинг бу борада тўплаган тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, йилга фақат чиройли ном бериш эмас, бу гоёни мутлақ кўпчилик, умумхалқ манфаатида дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун билан, таъсирчан ва самарали тадбирлар билан тўлдириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шарт.

Ўнда қилиб айтганда, йилга ном бериш негизда авваламбор ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг ҳаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш — айни шу каби эзгу мақсад-муддаолар туриши лозим.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишининг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоен бўлади.

Шуни таъкидлаш керакики, обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-бароқа ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади.

Мустақиллик йилларида "Ободлик кўнгилдан бошланади" деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бундай мулоҳаза ва фикрларни умумлаштириб, ўзбекона айтадиган бўлсак, барчамизнинг ҳаракат ва интилишларимиз негизидида авваламбор юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш гоёси муҳассам эканини, ўйламанки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айни шундай орау-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимизнинг мақсадида айлантириш, шундай гоё ва интилишнинг амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда гоёт муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Азиз дўстлар, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен кириб келаётган янги — 2013 йилни мамлакатимизда **"Обод турмуш йили"** деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Биз 2013 йилга шундай ном бера эканмиз, ана шу йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асосий мақсад деб биламиз.

Шу муносабат билан қабул қилинадиган давлат дастурида қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Биринчидан, Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжихатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан бўён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Албатта, бу масала бўйича масъул бўлган тегишли идоралар бор, куч-қудратимиз ҳам етарли. Лекин қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин.

Иккинчидан, обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида авваламбор фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барақа, бозорларда арзончилик маъносини ўзида муҳассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муҳаддас бўлган қадриятлар билан бирга, давлат миллий гоёмизининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Дастурни тайёрлашда аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадлари ширини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг "Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик" деган мақоли замирида муҳассам бўлган ҳақиқатни ҳаётимиз тарзига айлантириш йўлида янги йилда ҳам катта-катта ишларни амалга оширишимиз зарур.

Учинчидан, обод турмушини яна бир муҳим шарт — бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боглик эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз қачон, қерда бўлмасин, дуога қўл очар экан, аввало, "Тани соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, юртимиз обод бўлсин", деб ният қилиши бежиз эмас, албатта.

Шу боис халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фи-

докорона меҳнат қиладиган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади.

Тўртинчидан, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши керак.

Бешинчидан, биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарт — бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир.

Шу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолиимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий тақлифлар ишлаб чиқиш мақсада мувофиқдир.

Олтинчидан, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қиладиган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлиши опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асосида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун бизнинг ҳали қиладиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимизни истардим.

Албатта, 2013 йилда ўз олдимизга мана шундай катта вазифаларни қўяр эканмиз, уларни рўёбга чиқариш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол ва муносиб иштирок этади, деб ишонаман.

Азизларим, қадрдошларим! Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз бизнинг мустақиллик йилларида олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлиши инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилишига аминман.

Яна ва яна бир бор барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барақа тилайман.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилади

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳеч шубҳасиз, Оллоҳнинг марҳамати билан ана шундай кўпни қўрган, кўп синов ва кийинчиликларда тобланган мард ва танти, эртанги кўнга катта ишонч билан қадам қўяётган бағрикенг халқимиз, тобора кучга тўлиб бораётган, биз бошлаган ишларнинг давомчилари бўлган ёшларимиз бор экан, қандай қийин бўлмасин, келажақ марра бизники, десам, ўйламанки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган инсонларни яна бир бор чин қалбимдан таъриқлаб, ҳаммангизга янги-янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгра Президентимиз Ислом Каримов давлат муко-

фотларини тантанали равишда топширди.

— Ҳар бир инсон, у қайси ёшда бўлмасин, қайси соҳа ёки лавозимда ишлаганин, ота-онаси, фарзандлари олдида, ўз Ватани, келгуси авлодлар олдида ҳалол ва виждонан қилган меҳнатининг ҳосилини, ўз хизматининг тан олинишини, қадр тоғларини кўра экан, мен ўйламанки, бундай инсон ўзини албатта бахтли деб ҳис қилади, — деди Президентимиз. — Бугун сизларнинг кўзларингизга, чехрангизга бокиб, худдики ўзимни ҳам сизлар қатори мукофот олгадек сезмоқдаман.

Менинг ниятим, эзгу тилагим битта: доимо эл-юрт ардоғида бўлиш сизларга насиб этсин. Кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак нишонлар барчангизга буюрсин, сизларга янги куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишласин. Умирингиздан барақа топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, барчангиз-

га сийҳат-саломатлик, бахту сазодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ёр бўлсин, деди пировардида Юртбошимиз.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси Содикжон Турдиев, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси профессори Холиджон Комилов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти тахририяти бош муҳаррири ўринбосари Лилия Пак, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози, Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўлими мураббийи Людмила Поливанова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, "Ўзбекнаво"

Давоми. Боши 1-бетда

эстрада бирлашмаси хонандаси Алишер Турдиев, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби, "Ўзбекгеофизика" очик акциядорлик жамиятининг "Ус-турт геофизика экспедицияси" филиали геология бўлими бошлиғи Максет Реймов, "Содик хизматлари учун" медали соҳиби, Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлигининг биринчи ўринбосари Фаррух Зиябоев давлатимизнинг ушбу юксак мукофотлари бундан бўён Ватан тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатни янада юқори суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янгидан-янги марраларни эгаллашга илҳомлантиришини таъкидлади, юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирди.

ЎзА

қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамининг яна бир муҳим жиҳати, шу кунни халқимиз, жамиятимизнинг орзу-интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақиға хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йил Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинган эди.

Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлоднинг тарбиялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати,

тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бундай юксак орзуға етишининг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоен бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги — 2013 йилни мамлакатимизда **"Обод турмуш йили"** деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдўрос қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ихрочиларнинг байрам концерти билан якуланди.

Нуктаи назар

Мустақиллик, демократия ва адолат таянчи

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясига 20 йил

Мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган “Ўзбек модели”нинг машҳур беш тамойили мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, тадрижий равноқ топтириш, Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юксак барқарор суръатларига эришиш, аҳоли фаровонлигини муттасил ошириб бориш имконини бермоқда. Миллий ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2000 йил билан солиштирганда 2,9 маротаба, сўнги етти йил давомида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 3 баробар кўпайгани бунинг амалий исботидир.

Шуларга уйғун тарзда Ватанимизда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, қонуний манфаатлари кафолатланган. Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб бораёпти. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштирилмоқда. Марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ҳамда вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари кучайтирилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизими тобора либераллаштирилаёпти. Буларнинг ҳаммаси юртимизда қабул қилинганлигининг 20 йиллиги кенг нишонланаётган, мустақиллигимиз, демократик тараққиёт ва ижтимоий адолат таянчи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётбахш самарасидир.

Демократия халқ ҳокимияти тамойилларига риоя қилиниши, демократик институтларнинг мавжудлиги ва уларнинг сиёсий тизим фаолияти билан боғлиқдир. Мазкур принцип Конституцияимизнинг муқаддимида ўз аксини топган бўлиб, унда «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш» гоёси илгари сурилган. Қонун нормаларини қўллаш борасида демократизм тамойили ҳуқуқни қўловчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни ташкил этишда, уларнинг фаолият юритиш тартибиде, одил судловни амалга ошириш жараёнида, аҳоли учун юридик ёрдамнинг кафолатланганлиги даражасида ўз ифодасини топади.

Давлат ҳокимияти билан халқнинг узвийлиги Асосий Қонунда мустаҳкамланган. Унга кўра, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Барча давлат органлари Конституция доирасида шаклланди ва амал қилмоқда. Асосий Қонун конституциявий

майдон чегарасида тизимли ва изчил ислохотларни амалга оширилишини таъминлаб берадиган асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Давлатимизнинг Бош Қомусида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг энг асосий ҳамда энг муҳим қоидалари мустаҳкамланиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлиги мустаҳкамланган. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари оид демократик талаблар ва халқаро андозаларга жавоб берадиган қонунчилик тизими яратилган. Конституцияимиз тамойилларидан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилишга йўналтирилган 300 дан зиёд қонун қабул қилинган.

Инсоннинг узвий яшаш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди. Айни чоғда фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва бошқа сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари изчил таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолият олиб бориши, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратган.

Фуқаролик жамияти институтларининг чинакам муста-

қиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятларини ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган, уларнинг ижросини таъминлаш, аини пайтда бу соҳадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган 6000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланган, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини жамиятда манфаатлар мувоzanатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби муҳим ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этишмоқда. Шулар баробарида фуқаролик жамияти институтлари билан давлат ўртасидаги шерикчилик муносабатлари мустаҳкамланиб бормоқда.

Конституцияга асосланган қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органлари айланди. Мамлакатимизда кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими жадал ривожланмоқда, бу сиёсий партиялар фаолиятининг ошишига, улар ўртасида рақобат курашининг кучайишига хизмат қилмоқда.

Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада орди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси партиялараро жиддий ва профессионал мунозаралар, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш, парламент ролининг, унинг мамлакатда юз бераётган демократик ислохотларга таъсирини кучайтиришга йўналтирилган гоё ва дастурларнинг кураш майдонига айланди. Сиёсий партиялар

муқобил, рақобатдош лойиҳалар, ҳар бир партия ёки ҳаракатнинг аниқ мақсадли вазифаларини ўзида мужассам этадиган дастурларни ишлаб чиқиш ва улар ижросини таъминлаш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишга ҳаракат қилмоқда.

Сиёсий партиялар ўз дастурларининг мақсадлари қонун ҳужжатларида акс этиши учун уларнинг лойиҳаларини ўз фракцияларида чуқур муҳокама қиладилар, бунинг натижасига кўра ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича фракциянинг аниқ нуктаи назари ишлаб чиқилади ва у парламент муҳокама-сига киритилади.

Ижтимоий адолат тамойили фуқаролар ўртасидаги муносабатлар адолатли бўлишини назарда тутди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламларига аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чоралари ижтимоий адолатнинг амалий ифодасидир. 2011 йилда давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлиги худди шундан далолат бермоқда.

Ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймайликка катта эътибор берилаётганлигини кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичида энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устунилиги ва қонунийликни мустаҳкамлашдир. Асосий Қонунимизнинг 15-моддасида “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунилиги сўзсиз тан

олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституцияси ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар” деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонун устунилигини таъминлаш кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик фуқаролик жамиятининг пойдевори ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг кўрсаткичидир. Шунинг учун мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботи-ни тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли ва кенг қўлмалли дастурлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси бўйича барча мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртиларида махсус “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курси киритилган. Бу жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялашга, фуқароларда қонунга иттифоқдорлик туйғусининг янада орттириш таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тизимини давр талаблари асосида янада такомиллаштириш билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг етуқлиқ даражасини ошириш, уларнинг Ватан тақдири ва келажаги учун масъулиятини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадларини ҳам кўзлабди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан буён ўтган давр унинг миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтаганлигини аққол кўрсатди.

И. САИФНАЗАРОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганлигининг
йигирма йиллиги муносабати
билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
 - а) аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
 - г) чет давлат фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик оқсигада жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
3. I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсизлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилингангунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
5. Таққидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
6. Ушбу Қарорнинг I ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.
7. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:
 - а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — ундан бир қисмига;
 - б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.
8. Татбиқ этилмасин:
 - а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатта ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этилиб, тартибда озодликдан маҳрум қилиш тартибиде жазога алмаштирилган шахсларга;
 - б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;
 - в) ушбу Қарор 1-4, 6, 7-бандларининг амал қилиши — таққидланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;
 - г) ушбу Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли кўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.
10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.
11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 декабрь.

И.СОБИРОВ

Бош Қомусимиз — ёрқин келажагимиз кафолати

Маълумки, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари қўйиладиган ҳар бир қадам, энг аввало, жамият фуқароларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда маданиятини ошириш баробарида уларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлашни тақозо этади.

Бу деярли барча давлатларда ўша давлат фуқароларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти ва онги, сайловлардаги иштироки қай даражада таъминланганлиги билан баҳоланади. Қолаверса, фуқароларнинг сайловлардаги иштирокига оид муносабатлар, бошқача айтганда бу каби мезонлар демократик ҳуқуқий давлатга бериладиган энг муҳим баҳоладан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган сайловларга оид қонунларимизда, айнан жамиятимиз аёлларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни Парламентга, ҳокимиятни бошқариш ишларига кенг жалб этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатиладиган номзодларнинг камида ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил қилиши лозимлиги ҳусусидаги замонвий ва илгор норма киритилди.

Бу тасодифий ҳол эмас, чунки, жамиятнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъи на-

зар, аҳоли турмушининг фаровонлиқ даражаси, оилалар барқарорлиги, келажақ авлод — фарзандлар тарбияси, иқтисодий, жамиятдаги интеллектуал салоҳият, маънавият ва маданият, маърифат, қўйингки, барча жабҳаларда эришилган ютуқлар шу жамият тараққиётига хотин-қизларнинг қўшадиган ҳиссаси, уларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун яратилган шарт-шароит, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси билан, бир сўз билан ифодалаганда ўша жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Шу боисдан мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, оналик ва болаликни, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга, уларнинг жамиятдаги маънавий, ижтимоий-сиёсий фаолликларини, мақоми ва ролини оширишга бағишлаб амалга ошириб келинаётган оқилона давлат сиёсатининг пойдевори жуда мустаҳкам эканлигига ишончим комил.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ушбу имкониятдан унутилиб фойдаланганлиги туфайли, 2004 йилнинг декабрь ойида



бўлиб ўтган сайловларда партия сафидан 3 нафар аёл Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган бўлса, 2009 йилнинг декабрида бўлиб ўтган сайловларда ушбу кўрсаткич 7 нафарга етди. Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги мавжуд партиялар фракциялари ичида энг кичиги бўлишига қарамадан, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси таркибига аёл депутатлар сонини энг кўпчилигини ташкил қилади. Бу партияимизнинг катта ютуғидир.

Истиқлолнинг бизга энг азиз,

ноёб ва муқаддас неъматларини — Ўзлимизни, тилимизни, динимизни, бебаҳо қадриятларимизни, буюк тарихимизни, ажодларимиз меросини, она заминимизни — Ватанимизни қайтариб берди.

Асосий қонунимизнинг энг муҳим ҳусусияти унинг ижтимоий мақсадни кўзлаган бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилганлигидир, десак муболага қилмаган бўламиз. Мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан, ҳусусий мулк тенг

ҳуқуққа эга ва бир хил ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланади. Бу бугунги бозор иқтисодиёти шароитида, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний ҳимояси ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари нуктаи назаридан ўта долзарб аҳамиятга моликдир.

Истиқлол йилларида кўп миллатли бағрикент халқимиз онг-шуйида рўй берган мустақиллик кайфияти, фуқароларимизнинг атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлиги, ижтимоий

онги, сиёсий тафаккури, дунёқараши, умуман ҳаётга, келажаққа бўлган ишончи, яхши яшашга, яхши шароитларда ишлашга, замонавий ва прогрессив анъаналарга бўлган интилишининг тобора ортиб бораётганлиги — улар ҳуқуқ ва манфаатларининг Конституцияимиз билан кафолатли ҳимоя қилинаётганлигининг амалдаги ёрқин ифодасидир. Қолаверса, ўтган давр ичида ҳар бир фуқаро учун ўта муҳим ва долзарб бўлган айнан ижтимоий масалаларни ҳал этиш ва инсон манфаатларини рўйбга чиқариш, унга муносиб ҳаёт фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш, бунда жамиятимизнинг асосий бўғини бўлиши ҳамда барчамиз учун муқаддас ҳисобланган оиланинг мавқеини, салоҳиятини ошириш ва эҳтижманд оилаларга, айниқса, оёққа туриб келаётган ёш оилаларга, кекса, боқувсини йўқотган ва имконияти чекланган фуқароларга, етим-есирларга, уларнинг аниқ талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мақсадли ва манзилли кўмак бериш, оналик ва болаликни, хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида эътиборли ишлар амалга оширилди ва бундай хайрли ишлар кўламини янада кенгайтириб, салоҳияти ортиб бормоқда.

Амалга оширилаётган бундай эзгу ишларнинг мустаҳкам пойдевори эса — мустақил давлатимиз Конституциясидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси истиқлол туфайли мустаҳкам пойдевори қўйилган буюк келажақли давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги барча эзгу ниятларимизни рўйбга чиқаришда, халқимизнинг асрий орзулари ушалишида йўлчи юлдуз вазифасини ўтайдиган, барча фуқаролар учун муносиб, фаровон ҳаётини таъминлаб берадиган, ижтимоий адолат қарор топган жамиятни барпо этишининг, бир сўз билан айтганда — ёрқин келажагимизнинг кафолатидир. Қар биримиз, Конституциявий ҳуқуқларимиз баробарида, унда белгиланган фуқаролик бурчимизни, жамият олдидаги, келажақ авлод олдидаги вазифаларимизни, истиқлолнинг қадр-қимматини яхши англаган ҳолда адолат мезонларига қатъий риоя қилган ҳолда жамиятимиз ривожига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшимиз, ҳолис ва беминнат хизмат қилишимиз — буюк мақсадларимизни рўйбга чиқаришнинг синалган ва ягона йўлидир.

Зухра БОТИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси, Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раисининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: демократик давлат ҳуқуқий пойдевори

Ислохотларнинг асоси

Бугун ҳалқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ва эртанги кунга бўлган ишончининг негизда Конституциямизда белгиланган асосий қоида ва ҳуқуқий асослар ётганлигини барчамиз тушуниб едик.

Фуқароларимизнинг бугунги тинч-тотув ҳаёти ва юртимизда таркиб топган барқарорлиги ҳеч қандай вазифадан бири ҳалқимизнинг бой турмуш тажрибасига асосланган ҳолда республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократик принципларни қарор топтиришдир.

Шу маънода ўтган йиллар давомида Конституциямиз матнига бир қатор муҳим ва салмоқли ўзгаришлар, тўзатиш ва қўшимчалар киритишни давр тақозо этди.

1993 йил 28 декабрда биринчи бор Конституцияга ўзгариш ва қўшимча киритилган бўлиб, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-модда 1-қисмидаги «150 нафар депутатдан» деган сўзлар «депутатлардан» деган сўз билан алмаштирилди.

Шунингдек, 2003 йил 23 апрелда Конституциянинг 6-бўли-

мига ҳам ўзгариш киритилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастлабки 127-моддаси «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади» деб белгиланган эди. Киритилган ўзгариш ва қўшимчалардан сўнг мазкур моддада «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади» деган иборалар ўз ифодасини топди.

2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89, 93, 102-моддаларига қўшимча ва ўзгаришлар киритилиб, 89-модданинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ва иқро этувчи ҳокимият бошлиғидир» деб юритиладиган нормаси ўрнига «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат



бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишнинг ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди» деган норма киритилди. 2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Президентнинг ҳуқуқий мақоми янги мазмун касб этиб, унинг зиммасига давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишнинг ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш масъулияти юклатилди.

Бу йўналишда қўйилган яна бир қадамлардан бири «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунидир. Бу қонун қабул қилинган асосий мақсад сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги

аҳамиятини кучайтириш, уларнинг функцияларни бажаришда самарадорлигини ошириш, партиянинг йўналиш ва дастурини парламентда мустақамлаш ва барқарорлаштириш имкониятини шакллантиришдан иборат бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96, ва 98-моддаларига)ги Қонуннинг асосий мақсади демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг ўрта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва иқро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида иборат таъсирини кучайтиришдан иборат.

Бир сўз билан айтганда, тарққийтизмнинг мураккаб ўтиш даврида илк бор том маънода янги, туб умумийлиги манфаатларимизга мос ва халқро талаблар, андоза ва меъёрларга жавоб берувчи мукамал Асосий Қонунимиз — замонавий ва барқарор ҳаётимиз тараққийтизм қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бугунги матни яратилди.

Садриддин ХИДИРОВ

Хар қандай адолатли, демократик давлатда фуқароларнинг эркин фикрлаш ҳуқуқи қафолатланган. Инсоннинг эркин фикрлаш, ўз ақл-идроки, қобилияти, олган билимларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши давлатда шахс ҳақиқий эркинлигининг ёрқин ифодасидир.

Албатта, эркин фикрлаш бор жойда фикрлар хилма-хил бўлади ва турли мафкуралар, сиёсий институтлар, ҳаракатлар пайдо бўлиши мумкин. Ақс ҳолда, яъни эркин фикрлаш чекланган жойда кўпгина инсон ўз фикрларини, хоҳиш-истакларини ошқора баён қилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундай ҳолатларда одатда ягона мафкура ҳукмрон бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деб мустақамлаштириш давлатимизнинг демократик моҳиятидан келиб чиқади.

Конституциямизнинг айнан шу моддаси жамиятимизда турли синф, тоифа, миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодаловчи партиялар, уюшмалар ва уларнинг мафкуралари бўлиши мумкинлигини қонуний мустақамлашди.

Дарвоқе, биз мафкура ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг моҳияти нима эканлигини ҳам қисқача билиб олишимиз зарур. Мафкура — бу маълум тизимга солинган гоялар, қарашлар, фикрлар мажмуидир. Хар қандай мафкура муайян ижтимоий та-

Эришилган орзулар



бақа, гуруҳ, миллатнинг ўтмишига, бугунги кунига ва келажига қаратилган қарашлари йиғиндисида иборат.

Инсоннинг эркин фикрлаш, ўз ақл-идроки, қобилияти, олган билимларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши давлатда шахс ҳақиқий эркинлигининг ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги қонуни билан белгиланади. Унга кўра, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштарақлиги асосида тўзилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўйбга чиқаришга интилувчи ҳамада ўз вакиллари орқали давлат ва жомоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда ки-

Тошкент давлат юридик институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Асосий Қонунимиз, унинг ўзига хос жиҳатлари хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этадилар

риш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошқоралик асосида тўзилади ва фаолият кўрсатади.

Давлатимиз мавжуд барча сиёсий партияларнинг, жомоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилади, уларнинг ижтимоий турмушда иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Лекин ҳеч қайси партияга алоҳида имтиёз бермайди. Сиёсий партияларнинг барча соҳада тенг ҳуқуқлиги қафолатланади.

Ўзбекистон Конституциясининг 12-моддасида ўрнатилган меъёр олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг қадимий анъаналарига, урф-одатларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-муҳаббат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, мурувват, маърифат туйғуларини тарғиб қилиши лозим. Ҳаётимиздаги барча қўллар, ҳаракатлар, жомоат бирлашмалари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу умидлари ўз ифодасини топтоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуг мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклаштиши лозим.

Мустақил Ўзбекистонимиз халқининг асрий орзуси ҳам озод ва обод, гуллаб-яшнаган, ҳуқуқлари хар томонлама ҳимояланган, фуқаролик жамиятида, буюк бир давлатда яшаб эди. Тақдиримизга шукримиз, Республикамиз раҳбариятининг оқилона сиёсати, халқимизнинг шижоати билан шундай юксак орзуларимизга қадам-бақадам эришмоқдамиз.

Аҳрор ҲОШИМХОНОВ

Демократик сайлов тизими

Асосий Қонунимизда белгиланган муҳим қоида ва тамойиллар юртимизни янада тараққий эттириш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, барқарор авлодни вояга етказишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалари босқичма-босқич ва изчил ривожлантириб бориладиган натижада умумэтироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга хар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди.

Бу борада Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимиз унинг мустақам ҳуқуқий асоси вазифасини ўтамоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг демократик сайлов тизимида сайловларни кўппартиявийлик асосида, Конституция ва сайлов қонунчилиги ҳамда халқаро нормаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очик ва ошқоралик шароитида аширин овоз бериш орқали умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи принципларига тўла мувофиқ тарзда ўтказиш имконияти яратилган. Бунга мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллари органларига бўлиб ўтган сайловлар ҳамда уларнинг амалий яқунари ёрқин далилдир.

Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилигининг халқаро нормаларга мувофиқ, босқичма-босқич ва изчиллик билан такомиллашиб бориши тенденция-

сининг аҳамияти ва мазмун-моҳияти қуйидаги бир қатор омиллар билан белгиланади:

Биринчидан, сайлов жараёнининг муҳим босқичи саналган сайловолди ташвиқотини ташкил этилишини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштирилиши сайлов кампаниясида соғлом рақобат ва унга асосланган тортишувликини вужудга келтиришда, шунингдек, сиёсий партиялар ва номзодларга тенг имкониятлардан фойдаланишни таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Иккинчидан, депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини юритишга бўлган ҳуқуқлари қафолатларини янада мустақамлаш билан бирга, уларга ўз сиёсий гоя-қарашларини эркин ифода қилишга ОАВдан фойдаланишда тенг имкониятлар яратиб, сайловолди учун номзодларнинг сайловолди дастурлари билан эркин танишишлари, муҳокама қилишлари ҳамда мустақил ва онгли равишда овоз беришлари учун янада кенгроқ имкон яратилди.

Учинчидан, сайловолди ташвиқоти сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва улар томо-



нидан кўрсатилган номзодларнинг билим-салоҳияти, жамиятдаги реал обрўси тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, уларнинг ҳаракат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг жомоатчиликка етказишнинг жуда муҳим воситасидир.

Тўртинчидан, Республикамизда ўтказилган бир қатор сайловлар натижаси, партияларро рақобатнинг кучайиши сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётганини кўрсатди.

Бешинчидан, сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгилловчи моддаларга сайловолди ташвиқотининг нафақат сайлов оли, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин

эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш овоз бериш жараёнида сайловолдининг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалашини таъминловчи муҳим-қафолат бўлиб ҳисобланади.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган чоратadbирлар, сиёсий партияларнинг сайловдаги муваффақиятини белгилловчи муҳим омиллардан бири — бу сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг тўғри усуллари таллаш маданиятини ҳамда сиёсий партиялар ва улар кўрсатган номзодлар сайловолди ташвиқоти жараёнида халқимиз менталитетига хос тарзда оғир, вазмин ҳаракат қилиш орқали уларнинг электорат олдидидаги обрўси ҳам шу қадар ортишига кўмак бериши табиий.

Муҳтасар қилиб айтганда, сайлов тизимини такомиллаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган ушбу тadbирлар нафақат сайлов қонунчилигини ривожлантиради, балки мамлакатимизни ислох этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи сиёсий партияларнинг фаолиятини янада ошириб, фуқароларнинг кенг қатлами орасига кириб бориши ва улар манфаатларини давлат сиёсати даражасига олиб чиқишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ойбек ТУРҒУНОВ

Маҳалла роли ошмоқда

Ҳозирда фуқаролик жамиятини шакллантириш, турли соҳаларни эркинлаштириш масалалари, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини кучайтириш борасида давлатимиз томонидан изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.



Ўзбек давлатчилиги ривожининг қафили сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳолатини мустақамлаш, унинг фаолиятини кенгроқ ташкил этиш, демократик институтларни шунинг ўзига янада жонлантириш, қолаверса, кўндалик муаммолар ечимини топишда унга суяна олишдек қатъий ишончини пайдо қилиш хар бир инсоннинг бурчи ва масъулияти бўлиб қолади.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиққан ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўлимини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш долзарб аҳамият касб этилишига алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шу муносабат билан маҳалла институти фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, мавжуд ҳуқуқий нормаларнинг ҳаёتبашлигини таъминлаш сўзсиз ислохотларнинг мантйқий давоми десак, ҳеч ҳам муболага бўлмайди.

Концепцияда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлифи илгари сурилди.

Бунинг асосида, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолиятига устидан жомоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаолигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чоратadbирларни назарда тутадиغان ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф қилинди.

Ўзбекистонда демократиянинг таянчи ҳисобланган маҳалла институти маъқени кўтариш, унинг жамият ҳаётида тутган ўрнини мустақамлашда сайловларни ошқоралик руҳид: ва қонунларга мувофиқ ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Бу борада республикада ушбу масалаларга оид катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса демократик анъаналар янада мустақам қарор топаётганидан далолат беради.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларнинг ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда, миллий қонунчилик, халқро меъёр ва андозаларга тўла амал қилинган ҳолда ўтказилиши Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва қули фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ислохотлар изчил амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Хушмақт ХАЙИТОВ

Шероз ЗУЛФИҚОРОВ


Қамола АЛИЕВА

Хусусий мулк ҳимояда

Мустақиллик йилларида жамият иқтисодий негизини ташкил этувчи мулкчиликка муносабат буткул ўзгарди. Мамлакат иқтисодий тизими тубдан янгилашиб, унинг ҳуқуқий асослари ислох қилинди.

Бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожланувчи демократик бозор иқтисодиёти шакллантирилиб, унинг ҳуқуқий асоси бўлган қонунчилик тизими шакллантирилди. Жамиятдаги мулкчилик ва мулкий муносабатларнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил этилди. Хусусий мулк ўз қонуний асосларига эга бўлди ва иқтисодиётда тadbиркорлик фаолиятининг иқтисодий таянчи вазифасини ўтай бошлади. Шу билан бирга, мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни муваффақиятли амалга оширилди. Мулкдорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган, юртимизнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши йўлида асосий таянч бўладиган тadbиркорлар сони тобора ортиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида давлат мулкчини хусусийлаштириш тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган кенг қўламдаги ишлар натижасида бугунги кунда иқтисодиётнинг нодавлат сектори барча соҳаларда устувор аҳамиятга эга бўлди. Ҳозиргача 85 мингдан ортиқ давлат мулк объектларини хусусийлаштирилди ва уларнинг негизида турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ҳўжалик юритиш субъектлари ташкил этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда рўйхатга олинган корхоналарнинг 92 фоизи нодавлат мулк шаклидаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий корхоналар, агрофирмалар, фермер ва деҳқон ҳўжаликларидан иборатдир. Экспертларнинг баҳолашича, мулкдорларнинг сони 6,5 млн. кишини ёки мамлакатимиз аҳолисининг 22 фоизини ташкил қилмоқда.



Бундай ютуқлар замирида республикада хусусий мулк ҳимоясига ва мулкдорлар ҳуқуқларини ривожлантиришга таъминлашга қаратилган ҳуқуқий база шакллантирилганлиги муҳассамдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36, 53-моддаларида назарда тутилган асосий қоидалар мулкчиликка оид муҳим демократик қоидаларни ўзидида етган. Конституциянинг 36-моддасига биноан «Хар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.

Жараён

Ижтимоий адолат
кафолати

Давра суҳбати

Партиянинг «Ёш адолатчилар» қаноти Кенгаши ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган «Конституция — ижтимоий адолат кафолати» мавзuidaги давра суҳбати белбоғли кураш билан шугулланиб, нуфузли халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келаётган ёш спортчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, Конституция борасидаги билимларини кенгайтиришга қаратилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, Белбоғли кураш федерацияси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари, партия фаоллари иштирок этдилар.

Белбоғли кураш дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатда оммалашган бўлиб, миллий спорт турлари сафида мустақам ўрин эгаллаб келмоқда. Ушбу спорт турини аҳолининг турли қатламлари ва турли ёшдагилар ўртасида оммалаштириш борасида Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотлари федерация билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров Конституция ва унинг асосида ишлаб чиқилган миллий қонунчиликда ижтимоий масалаларнинг қамраб олиниши, айниқса, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, Конституцияга киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан иштирокчиларга маълумот берди. Спортчи ёшларнинг бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, спорт билан шугулланиш баробарида, албатта, бирор бир касб ёки мутахассислик эгаси бўлишлари лозимлиги ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраев инсон ҳуқуқларини ҳимоя

қилишда Бош Қомусимиз ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга йўналтирилган механизмлар, юртимизда қонун ижодкорлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, шунингдек, қонун устуворлигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратди. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва спорт учун ажратилаётган маблағлари ҳақида иштирокчиларга маълумот берар экан, яратилган қулай шарт-шароитлардан ёшлар унумли фойдаланишлари лозимлиги юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

— Биз спортчилар нафақат жисмонан соғлом ва бақувват бўлишимиз, балки ўз конституцион ҳуқуқ ва эркинликларимизни, бурчларимизни яхши англашимиз ҳамда фаол фуқаролик позициямизни намойён қила билишимиз лозим, — деди белбоғли кураш бўйича Жаҳон чемпиони Зайлобиддин Ортиқов. — Бугун биз учун ташкил этилган давра суҳбати Конституция ва қонуларимиз борасидаги билимларимизни кенгайтиришга хизмат қилди.

Тадбирда партия ва федерация ҳамкорлигида Конституция ва миллий қонунчилик



меъёрларидан келиб чиқиб, 2013 йилда спорт, жисмоний тарбия масалаларига тааллуқли бўлган қонунчилик ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш масалалари ҳақида ҳам сўз юритилди.

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда аёллар спортига ҳам катта эътибор қаратилмоқда, — деди Белбоғли кураш бўйича 2012 йилнинг энг ёш киз спортчиси, андижонлик Гулҳумор Дадабоева. — Биз ёшларга қаратилаётган давлат эътибори, жаҳон стандартлари даражасида таълим олишимиз, ўз иқтидор ва қобилиятлари-

мизни намойён қилиш учун яратилаётган шароитлар ҳамда унинг ҳуқуқий асослари ҳақидаги депутатларимизнинг маърузалари бизда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир сўнггида жорий йилда Қозон, Остона ва Уфа шаҳарларида белбоғли кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларида голиб бўлган полвонларга Ўзбекистон «Адолат» СДП ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси совғалари ҳамда фахрий ёрликлари топширилди.

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

Сиёсий онг ва
маънавий дунёқараш

Сиёсий ўқув

Юртимиз ёшларининг фаолияти, орзу-интилишлари доимий эътиборда. Уларнинг ташаббус ва изланишларини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда сиёсий, ҳуқуқий билимларини бойитиш борасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жойлардаги ҳудудий ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан партия ёшлари учун «Сиёсий ҳуқуқий саводхонлик» ўқув машғулотлари ташкил қилинди. Мазкур тадбир ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини кучайтириш, сиёсий онг ва маънавий дунёқарашларини мазмунли ташкил қилишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

«Конституция — бахтимиз пойдевори» ва «Президент асарларини ўрганамиз» деб номланган ўқув машғулотлари Қорақалпоғистон Республика-

си партия Кенгашининг барча ҳудудий ташкилотларида ташкил этилди.

— Таълим масканларида Конституцияни ўқитишнинг узлуксиз тизими яратилган, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбосари Ривож Ўтарбоев. — Бу мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Партия Кенгаши томонидан ташкил этилган саводхонлик кечаларида ҳудудий партия ташкилотларимизда қарийб минг нафар ўқувчи-ёшлар иштирок эт-

гани ҳам мамлакатимиз ёшлари орасида олиб борилаётган сиёсат ва ўтказилаётган ислохотлардан хабардорлик туйғусини кучайтиради.

— Давлатимиз раҳбарининг асарлари биз ёшларда кенг дунёқараш ва фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди тадбир иштирокчиси Боймурод Опаев. — Президентимиз асарлари дунё микёсида катта қизиқиш билан кенг ўрганилаётган бир пайтда, айниқса, биз ёшлар бу борада ҳаммадан кўра кўпроқ билимга эга бўлишимиз керак.

Сиёсий ўқувлар давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, «Мустақам оила йили» Давлат дастури ва унда кўрсатилган устивор ва-зифалар, бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида тушунчалар берилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

Янги технологиялар синовда

«Ўзавтойл» ДАК ҳузуридаги Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти (АЙИТИ) «Жиззах пластмасса» ОАЖ билан ҳамкорликда маҳаллий хомашёдан геопанжаларлар ишлаб чиқаришни кўзда tutувчи синовларни муваффақиятли ўтказди.

«Ўзавтойл» ДАК маълумотига кўра, автомобиль йўллари геопанжаларлар асосида қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш йўл қопламаси сифатининг сезиларли даражада ошишига, ёриқлар пайдо бўлишининг камайишига олиб келади.

Юкларни бир текис тақсимлаш учун геопанжалардан арматуровчи материал сифатида фойдаланиш йўлларнинг таъмирланишлар оралиғидаги муддатларини

сезиларли даражада оширишга ёрдам беради. Геопанжара — ландшафт дизайни бўйича бажариладиган ҳар қандай ишларнинг асоси ҳисобланади. Ундан йўлларни қуришда, турли тепаликларни мустақамлашда фойдаланилади. Геопанжалардан фойдаланиш иншоотларнинг мустақамлигини ва узоқ муддат хизмат қилишини оширади, участкадаги тупроқ чўкишининг олдини олади.



Геопанжалардан ташқари, АЙИТИда йўлларда хлорид натрий ўрнига хлорид кальцийни қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўлларнинг секин-аста емирилишининг олдини олиш ва бир пайтнинг ўзида чангалардан тозалаш имконини беради.

Ҳуқуқ ва эркинликларимиз
кафолати, бахтимиз қомуси

1990 йилнинг 20 июнь кунини Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақирғиқ иккинчи сессиясида «Мустақиллик тўғрисида»ги Декларациянинг қабул қилиниши юртдошларимиз қалбидида энг эзгу орзунини рўёбга чиқарди.

Орадан бир йил ўтган, яъни 1991 йил 31 август кунини Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақирғиқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон Давлат Мустақиллиги эълон қилинган эса тараққиёт ва истиқлол, янги жамият қуриш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш имкониятини яратди.

Давлатимиз раҳбари ушбу сессияда сўзлаган нутқида мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати — инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланиши, фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолаётгани алоҳида ургуберган. Мазкур тамойил 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди.

Бугун шунини ифтихор билан қайд этишимиз мумкинки, Бош Қомусимиз ҳақиқатан ҳам юртдошларимизнинг озод ва эркин яшаш, меҳнат қилиш, илм олиш, фикрлаш, сўзлаш, сайлаш ва сайланиш, тил ва дин эркинликларида фойдаланиш ҳуқуқларини ифодаловчи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий даражада ҳимоя этувчи бош қонунга айланди.

Бугун республикаимизда юздан ортиқ миллилат ва элат вакиллари дўстона ва иноқ ҳаёт кечирмоқдалар. Бундай ҳам-жиҳатлики таъминлаш, бошқа халқлар урф-одатлари, диний

эътиқодлари, тилларини ҳам эъзозлаш халқимизга хос бағрикенглик намунасиридир.

Бош Қомусимизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги ва бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилган. Унинг замирида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Қадрлар тайёрлаш» ҳамда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш» Миллий дастурлари ўз самарасини бермоқда. Айниқса, ёшларга таълим олиш ва жисмоний тарбия билан шугулланиш учун яратилаётган шароитлар, жаҳон микёсида эришаётган ютуқларимиз бунинг яққол далилидир.

Конституциямизнинг яна бир бағрикенглик жиҳати шундаки, унда халқимизга эътиқод эркинлиги берилган. Бу эркинлик ҳар бир фуқаронинг истаган динига эътиқод қилиш борасидаги ихтиёрий ҳуқуқини вуҷудга келтиради. Президентимизнинг бевоқиф ташаббуси билан Тошкент ислом университетининг очилганлиги, мамлакатимизда юзлаб жоме масжидлари ва кўплаб бошқа динларга мансуб ташкилотлар фаолият кўрсатаётганлиги, йилига минглаб ватандошларимизнинг муборак ҳаж сафарларига бориб келаётгани, халқаро ташкилотлар томонидан 2007 йил

«Тошкент — Ислон маданияти жаҳоҳири йили» деб эълон қилинган юртимизда эътиқод, виждон эркинлигига берилган имкониятнинг амалдаги исботидир.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳаётига, унинг қадр-қиммати алоҳида эътибор қаратилган. Унга асосан: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Дарҳақиқат инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғоясини илгари суриб келаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП дастури Конституциямиз ғояси билан йўғрилган. Зеро, Ўзбекистон халқининг манфаати, инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланган Конституциямиз барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз, шу жумладан, шахсий дахлсизлигимиз кафолати, бахтимиз қомусидир.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси



Хорижий сармоялар —
иқтисодиётга

Жанубий корейлик сармоядор жаноб Пак Санг Кю Ўзбекистонга илк ташрифи чоғида мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит, хорижий бизнеснинг ривожини учун яратилган шарт-шароитлар билан астойдил қизиқиб қолди. Шу қизиқиш боис у маҳаллий тадбиркорнинг ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги таклифини ҳеч иккиланмай қабул қилди. Ишлаб чиқаришга сармоя киритди. Натижада Каттакўрган туманида коммунал соҳани ривожлантиришга хизмат қиладиган, янги технология мажмуани ўз ичига олган «ALJEIL» қўшма корхонаси барпо этилди.

Инвестор излаган
манзилни топди

ва тадбиркор партиядошларимиз билан
ҳамкорликда истиқболли қўшма
корхонага асос солинди

Бугун юз кишини юқори даражада иш билан таъминлаб, ўз маҳсулотининг мижозларга манзур бўлишига эришаётган мазкур корхона фаолияти кўпгина жиҳатлари билан эътиборга лойиқ. Биринчидан, бу ерда коммунал соҳа объектларини, шу жумладан шахсий хонадонларни кузги-қишқи мавсумда иситиш учун юқори килокалорияли кўмир бирикмалари ишлаб чиқарилмоқда.

Нархи арзон. Ташиш, сақлаш ва фойдаланиш учун оддий кўмир бўлакларига нисбатан анча ўнғай. Муҳими, бу харидорғи бирикмалар иситишда самараси паст деб ҳисобланган кўмир кукунларидан тайёрланмоқда. Мамлакатимиздаги йирик кўмир конларидаги қазув ишлари жараёнида ҳосил бўладиган ёқилғи уқаланмаларини қайта ишлаб, ана шундай юқори сифатли хомашё халига келтирадиган корейс технологияси ўз афзалликларини аллақачон исботлади. Эътиборлиси, эндиликда бу маҳсулотни Каттакўргондан Европа мамлакатларига экспорт қилиш режаси ишлаб чиқилмоқда. Ҳамкорлиқнинг иккинчи босқичида эса кўмир брикетиди ишлаб, ҳосил қилинадиган ҳароратни автоматик тарзда белгилаб борадиган махсус печларни шу ернинг ўзидида тайёрлаш учун қўшимча сармоя киритилмоқда.

Бизнес лойиҳа раҳбари, самарқандлик тадбиркор, партиядошимиз Ж.Алибековнинг таъкидлашича, ҳозир низоом жамғармаси 1 миллион 319 минг АҚШ долларини ташкил этаётган мазкур қўшма корхонанинг истиқболи порлоқ. Келгуси йилдан буюртмалар ҳажми ортиб бораётганлиги инobatга олиниб, махсулот ишлаб чиқариш микдори беш баробарга кўпаяди. Бу ўз навбатида ўнлаб янги иш ўринларини яратилишини таъминлайди.

— Биз четдан технология сотиб олишни эмас, сармоя киритилишини маъқул топдик, — дейди суҳбатдошимиз. — Шу боис Жанубий корейлик ҳамкоримизга қўшма корхона тизими манфаатли эканлигини исботладик. Энди у юртимизда хорижий бизнес учун яратилган солиқ имтиёзларидан, дарамадларнинг эркин тасарруф қилинишдан ва бошқа кўпгина қўлайликлардан бохабар ва янги бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга тайёрдир.

«ALJEIL»да иқтисодий ислохотлар моҳиятини ва одамларнинг кундалик эҳтиёжини чуқур тушуниб етган, партия сиёсатини амалда намойён этишга қодир сафдошларимиз меҳнат қилишяпти. Уларга элнинг ишончидан қолманг, касбу корингиз бароридан келсин деймиз.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Суратда: Жанубий корейлик сармоядор Пак Санг Кю самарқандлик ҳамкорлари даврасида.

Сайловчи манфаатини таъминлаш

партиямиздан сайланган депутатлар фаолиятининг бош мезонидир

Маҳаллий кенгашларда

Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий ғоялар тарғиботининг мувоффақияти, шубҳасиз, жойлардаги маҳаллий Кенгашлар ва доимий комиссиялар фаолиятининг изчиллигига ҳам бевосита боғлиқ, дея таъкидланади Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг Ижроия Қўмита йиғилишида.

Партиянинг туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбарлари, бошланғич партия ташкилоти раислари, экспертлар қатнашган мажлисида Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Сайловчи ҳақ-хуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳаётий муаммолар ечимини ўз вақтида илғаш, қонун ва қарорлар ижросини назорат қилиш ҳамда унинг аҳоли ўртасидаги кенг тарғиботига аҳамият қаратиш бугун ҳар бир депутат фаолиятида катта аҳамият касб этади, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши раиси Маҳмуд Бобоёров. — Шу нуқтаи назардан айтганда, маҳаллий Кенгаш депутатлари сайловчилар билдираётган ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги масалаларни ҳал қилишда депутатлик сўровидан самарали фойдаланмоқда. 2012 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги де-

путатларимиз томонидан турли ташкилотлар раҳбарларига долзарб масалалар юзасидан ўнлаб депутатлик сўрови юборилганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Муҳими, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилмоқда.

Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Нодира Ражабова ўзи сайланган округ сайловчиларидан келиб тушган ариза асосида ҳудуд аҳолиси учун маҳалла гузари ташкил этиш борасида вилоят ҳокимлигини депутатлик сўрови билан мурожаат қилди ва ҳозирги кунда қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Депутат мурожаати асосида Самарқанд шаҳридаги «Мирсаид барака» маҳалласидаги кам даромадли 20 та хонадонга моддий кўмак ажратилди.

Маълумки, қонун ва қарорларнинг жойларда қандай бажарилаётгани устидан депутатлик назоратини ўрнатиш фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шу мақсадда сессияларда ҳоким ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш амалиёти ижобий натижа бермоқда. Жумладан, вилоятда иқтисодий ўсиш ва барқарорлиқни



таминлашда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 мартдаги «2010 йилда саноат концепцияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар материаллар ишлаб чиқариш ни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси Булунгур, Ургут, Пастдарғом, Нарпай туманлари ва Самарқанд шаҳри миқёсида ўрганилиб, натижалар доимий комиссия мажлисида кенг таҳлил этилди ва маҳаллий кенгашларга тегишли тавсиялар юборилди. Шу билан бирга, жойларда Инвестиция дастурининг ижроси бўйича ҳам назорат-таҳлил ўтказилиб, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга эътибор қаратилаётди.

Вилоятда ижтимоий инфратузилмани янада рағбатлантириш, намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар барпо қилиш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида қабул қилинган

Давлат дастурининг ижроси ҳам депутатлар назоратида бўлиб келмоқда.

— Ҳали олдимизда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина, — деди халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати Шухрат Жамолов. — Шу маънода, «Адолат» СДПнинг маҳаллий Кенгашдаги депутатлик гуруҳи аъзолари ўз фаолияти давомида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда халқ ишончини оқлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан аҳолини ҳабардор қилиб бориш, «Мустақам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, «Адолат» СДПнинг халқчил ғояларини тарғиб қилиш борасидаги ишларини янада кучайтирмоғи лозим.

Йиғилишда амалга оширилаётган ижобий ишлар қаторида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.

— Жойларда партия таш-

килотлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан биргаликда мунтазам фуқаролар қабулларини ташкил этиш, партия электроратини ўйлантириб келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимларини топишда муҳим ўрин тутди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Мастура Шарипова. — Мазкур жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, партия мафкураси, ғоя ва мақсадлари тарғиботида бағишланган тадбирлар кўламини, уларнинг савиясини ошириш ҳам қўлланган самарани беради.

Йиғилишда таъкидланганидек, айни пайтда маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, вилоят аҳолиси манфаатларини таъминлаш, уларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Зеро, сайловчиларнинг тақлифлари юзасидан вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида, тегишли ташкилотларга юборилаётган сўровлар, шу асосда олиб борилаётган назорат тартибиданги юмушлар, табиийки, ютуқларнинг асосий омилдир.

Мажлис сўнггида қўрилган шу ва бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Янги архив биноси

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳар йили Конституция қабул қилинган кун мамлакатимизда ҳуқуқий байрам сифатида кенг тантана қилинади.

Ушбу кун арафасида фойдаланишга топширилаётган иншоотлар юртимиз кўрkingа кўрк қўшапти. Бу борада Самарқанд вилоятида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. «Мустақам оила йили» ҳамда Конституция байрами арафасида вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят ФХД ва давлат нотариал архиви биносининг фойдаланишга топширилганлиги вилоят аҳолисига юридик хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилиши билан байрамга муносиб совға бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги қирувчи давлат ФХД ва нотариал идоралари моддий техник базасини мустақамлаш бўйича 2012 йилга мўлжалланган Дастурга асосан қуриб битказилган мазкур замонавий иншоот қурилиши учун 690 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ушбу бинонинг афзаллиги шундаки, ФХД ва нотариал архиви битта бинода жойлашган бўлиб, у зарур техник жиҳозлар билан таъминланган. Унда фуқароларга намунали юридик хизмат кўрсатиш, фуқаролик архив ҳужжат маълумотларини электрон шаклда марказлашган ҳолда сақлаш ва қайд этиш ҳамда ўз вақтида сўровларга жавоб қайтариш учун барча имкониятлар яратилган. Тадбирда адлия вазирининг ўринбосари А.Усмонов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Қўлатов, вилоят ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, вилоят адлия бошқармаси ва унинг қуйи тузилмалари ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Янги бинонинг очилишида сўзга чиққан вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Худойёр Маматов мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида бўлган каби адлия соҳасида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади. — Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлигида Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бораси-

даги ислохотлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, юртимизда тинчлик ҳамда ҳавфсизликни таъминлаш ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ-эркинликларини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори га мувофиқ вазирлик ва унинг таркибига қирувчи тузилмалар томонидан амалга оширилаётган фаолиятда асосий эътибор фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, давлат бошқаруви органлари ва ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан самарали назоратни амалга оширишга қаратилмоқда. Шунингдек, ушбу қарор нотариат, адвокатура ва ФХД органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустақамлаш, шартномаларни тузиш ва бажаришда ҳўжалик юритувчи субъектларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизими ислохотларига қаратилаётган эътибор ва унинг аҳамияти, амалга оширилаётган ислохотлар замирида, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсади ётибди, — деди Х. Маматов.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам мустақиллиқнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистонда «ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун» тамойили илгари сурилгани ва у изчиллик билан амалга оширилганлиги шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган биноларда ўз аксини топаётганлигини қайд этишди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ахборот хизмати

Мамлакатимиз мудофаа ва хавфсизлигининг ҳуқуқий кафолати

Тадбир

«Тошкент-Аэро» иктисослаштирилган божхона комплексига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан «Конституция — мамлакатимиз мудофаа ва хавфсизлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, божхона комплекси шахсий таркиби, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. «Тошкент-Аэро» ИБК бошлиғи Р.Таджиев ўз сўзида Конституция жамиятда ҳуқуқий барқарорлиқни, ҳуқуқий узвийлиқни таъминлаб келаётгани, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқлар замирида Конституциямизнинг ҳаётбахш нормалари ётганлигини таъкидлади.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият саналган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямиз муҳим асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этишди.

Таъкидландики, йигирма йил — тарихан қисқа муддат. Ўтган йиллар давомида асосий эътибор мустақилликни мустақамлаш, уни ички ва ташқи хуружлардан асраш, собиқ тузумнинг асоратларидан қутулиш, мураккаб ва оғир вазиятда мамлакатда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотларни амалга

ошириш, янги қонунчилик тизимини юзага келтириш, жамият ҳаётида демократик тамойилларнинг барқарор бўлишини таъминлашга қаратилди.

Ҳаётимизнинг сўнгги йигирма йиллини кўз ўнгимизга келтирар эканмиз, эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, жаҳон давлатлари сафидаги бугунги обрў-эътиборимиз билан ҳақли равишда фахрланасак арзийди. Аммо бу хотиржамликка берилишга сабаб бўлмаслиги лозим. Мазкур тадбирнинг «Тошкент-Аэро» иктисослаштирилган божхона комплексига ташкил этилишида ҳам ана шундай мақсадлар мужассам.

Зеро, Тошкент халқаро аэропорти — Ўзбекистон Республикасининг бош ҳаво дарвозаси, Марказий Осиёнинг энг йирик авиабекатларидан биридир. Халқаро рейслар орқали учиб келаётган ва кетаётган йўловчиларни расмийлаштиришда аэропортда фаолият юритаётган бошқа хизматлар қаторида «Тошкент-Аэро» иктисослаштирилган божхона комплекси ходимлари фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда божхоначилар мавзу юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўз мухбиримиз

Qishloq Qurilish Bank

барча юртдошларимизни,
банк акциядорлари ва mijozларини Ватанимиз
Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги
билан самимий муборакбод этамиз!
она Ватан рабнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ўйлидаги
эзгу ишларингизда ҳамisha омад ёр бўлсин!

Шу фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги омонат турларини тақлиф этамиз:

“ҚОМУС” — муддати 1 ой

“КИШ ЗИЙНАТИ” — муддати 9 ой

“БАРАКА” — муддати 12 ой

қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

“МАДАД” — муддати 1 йил

“ҚУРИЛИШГА БОШЛАНГИЧ БАДАЛ” — 1 йилдан кам бўлмаган муддатга

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ — 4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93 www.qishloqqurilishbank.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматига!

Хизматлар лицензияланган

Газни ҳисобга олишнинг қулай тизими

“Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг компанияси 2013-2015 йилларда 200 миллион АҚШ доллари қийматидаги табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича лойиҳани амалга оширади. Бу ҳоқда “Энергоноус” холдинг вакилига таянган ҳолда маълум қилади.

Лойиҳа Тошкент шаҳри ва вилоятидаги маиший сектор учун паст босимли тармоқлар-

даги газни масофавий ҳисобга олиш бўйича 1,04 миллион-та асобони ўрнатишни кўзда

тутади. Лойиҳа доирасида ҳисобга олиш маълумотларини бошқариш тизимини, биллинг тизимини ва тегишли алоқа тизимини яратиш режалаштирилган. Лойиҳа “Ўзбекнефтегаз” компаниясининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Келгусида газни ҳисобга олиш тизимини бутун республика бўйлаб жорий этиш мўлжалланган.

Давра суҳбати

Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва Коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда “Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ва фуқаролар фаоллигида матбуотнинг роли ва аҳамияти” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Фуқаролар фаоллигида ОАВнинг ўрни

Тадбирда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳузуридаги Ижодий Кенгаш аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этти.

Давра суҳбатида сўзга чиққан мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини ошириш учун фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оқсатириш, уларда фуқаролик позициясини шакллантириб, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. Мустақиллик йилларида ОАВни либераллаштириш, ахборот олиш ва тарқатиш эркинлигини мустақамлаш борасида қонунчилик базасига асос солинди. Фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга хизмат қиладиган нодавлат матбуот тизими ҳам юзага келди. Бугун 1280дан ортқ босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 60 фоизи давлатга қарашли эмас. Бу эса ўз навбатида республика аҳолисининг ҳолис ва тезкор ахборот олиш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да матбуот ва оммавий ахборот воситалари олдига турган долзарб ва масъулятли вазифаларни ҳусусида алоҳида сўз юритар экан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаоли-

ятининг очиқлигини таъминлашда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ислохотлар тўғрисида аҳолини ҳабардор қилишда, ваколатли органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда журналистлар ролини янада кучайтириш муҳим эканлиги алоҳида қайд эттанди.

Тадбирда сўзга чиққан нотиқлар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига ҳам тўхталиб ўтишди. Унда давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар иштини фаоллаштириш, ОАВ ходимларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини қўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлиқни кучайтириш масалалари ўрин олган. Қолаверса, ҳар бир ташкилот ёки мувоассасанинг фаолияти ҳақидаги маълумот, янгиликлар ва даврий ҳисоботлари, фуқаролар мурожаатини тўғридан-тўғри қабул қилишга мўлжалланган он-лайн-қабулхона каби бўлимлардан тузилган веб-саҳифалар ташкил қилиш давр талаби эканлиги айтиб ўтилди.

Анхуманда, шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари олдига турган вазифалар, жумладан журналистларнинг иктисослашуви ва масъулятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳақида тегишли фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва тавсиялар ҳам билдирилди.

Саодат СОДИҚОВА

Кутлов

20 йил!

ИПОТЕКА BANK

Ҳурматли юртдошлар!

Сизни Конституция куни
байрами билан табриклаймиз.Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, қувонч,
юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги
йўлида амалга ошираётган ишларингизга
ривож тилаймиз.Оилавий
тадбиркорликка
қўмак

«Мустақкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳудудларда оилавий бизнесни ривожлантириш, уларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш республикамиз тижорат банклари зиммасидаги ўстувор вазифалардан этиб белгиланган.

Шу муносабат билан «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки томонидан «Энг яхши оилавий бизнес лойиҳа» кўрик танлови эълон қилинган эди. Танловнинг тўлан ва вилоят босқичларида банкнинг микромолиявий хизматларидан фойдаланиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган ҳолда оила аъзоларининг иш билан бандлигини таъминлаётган ва юқори самарадорликка эришяётган мингдан зиёд номзодлар иштирок этишди.

Танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимида таъкидланишича, «Микрокредитбанк» томонидан оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган 11 ойида 190,5 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Натижада 98 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Танловнинг якуний босқичига кўра 1-ўрин «Отарбоев Азатбай» оилавий корхонасига (Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани), 2-ўрин «Фаол захматқаш» оилавий тайёрлов корхонаси (Сирдарё вилояти Гулистон тумани) ҳамда 3-ўрин «Аср термопласт нур» оилавий корхонаси (Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани)га насиб этди.

Шунингдек, «Энг кўп ишни ўрни яратган тадбиркор», «Энг яхши оилавий сервис хизмати», «Энг ёш оилавий тадбиркор» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Танлов ғолиб ва совриндорларига банкнинг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Банк ахборот хизмати



XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНК
ЖАМОАСИбарча юртдошларимиз
ва ўз мижозлариниЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ


билан самимий муборакбод этади.

Диёримизда доимо тинчлик
ва осойишталик,
оилаларимизда кут-барака
ва шод-хуррамлик бўлсин!

ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!



Pharmed sanoat

ХУСУСИЙ
КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИБутун халқимизни миллий
давлатчилигимиз пойдевори бўлганКонституциямиз қабул
қилинганлигининг 20 йиллиги
билан табриклайди.Ватанимиз тараққиёти
ва равнақи йўлида самарали
меҳнат қилаётган
юртдошларимизга имкониятдан
фойдаланиб, самимий
ҳурмат ва эҳтиром изҳор этамиз.Сиз, азизларга
мустақкам соғлиқ,
дастурхонингизга қут-
барака тилаймиз!8
Декабрь

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*Сиз, азиз юрtdошларимизни мамлакатимизнинг
янги тарихидаги қутлуғ сана — ҳуқуқий
демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти
барпо этиш йўлидаги эзгу мақсадларимизни
рўёбга чиқаришда дастуруламал бўлаётган*

*Конституциямизнинг 20 йиллиги
билан мамнуният ила қутлайди.*



**Юртимиз ҳар доим тинч,
осмонимиз мусаффо,
дастурхонларимиз тўкин
бўлсин, азизлар!**



МИКРОКРЕДИТБАНК

ЖАМОАСИ



MIKROKREDITBANK

инсон манфаатлари

улуғланаётган

Ватанимизда истиқомат

қилаётган барча

юртдошларимизни

Конституциямиз

қабул

қилинганлигининг

20 йиллиги

билан самимий

муборакбод этади.



Давлатимиз

тараққиёти

бардавом, тинчлигимиз

абдий, халқимиз

дастурхони

ҳамиша тўкин бўлсин!

Реклама

«Ўзбекистонда
ишлаб чиқарилган»

Кафолат

Ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай турдаги маҳсулот, товар ва хизматлар давлат стандарти талаблари даражасида бўлиши, инсон саломатлиги ва атроф-муҳит хавфсизлигига зиён етказмаслиги лозим.



Наманган синови ва сертификатлаштириш маркази давлат қорхонасининг маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари томонидан бу борада жорий йилнинг 9 ойи мобайнида «Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Сертификатлаштириш тартиботларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида» қарорлари ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, марказнинг сертификатлаштириш идорасига бўлган 517 та мурожаат асосида миллий сертификатлаштириш тизимида белгиланган тартибга мувофиқ, 646 та мувофиқлик сертификатлари берилди. Уларнинг 62 таси озиқ-овқат, 357 таси электротехника, 219 таси

машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишли бўлди. Наманган ССМ ДКнинг аккредитланган физик-кимёвий синови лабораторияси томонидан қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларнинг синовлари ҳам ўз вақтида ва сифатли ўтказиб келинаётди. Шунингдек, аҳолига сифатсиз озиқ-овқат ва алкоголь маҳсулотларининг сотилиши ва ҳудудга олиб кирилишининг олдини олишга қаратилган доимий ишлар назоратга олинган. Умуман, синови лабораторияси томонидан биргина ўшбу йилнинг ярим йиллиги мобайнида назорат қилувчи органлар томонидан жами 103 та мурожаат бўлиб, 11 хилдаги маҳсулотлар 1667 та синовдан ўтказилиб, 268 та синов баённомаси расмийлаштирилди. Ўтказилган синовларнинг 32 донаси салбий натижалар деб топилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги 173-сонли қарорига асосан қўшимча 5 та истиқболга эга қорхонада, жами 28 та қорхонада ISO 9001 стандартини жорий этиш белгиланган. Вилоят ҳудудида қарор асосида барча қорхоналарда сифат ме-

нежменти тизими ишлари олиб борилмоқда, шундан 21 таси марказ билан шартнома имзолаган. Айни кунда марказ қошида «Сифат тизимларини сертификатлаштириш» идораси ташкил этилган бўлиб, бугунга қадар вилоятимизда жойлашган 5 та қорхонада («Марвел Джус Янгикўрғон» ҚК МЧЖ, «Наманган вино» ОАЖ, «Наманган момик сочиқлар» МЧЖ, «Қурилишда стандартлаштириш сертификатлаштириш бошқармаси» ва «Син Нам» ҚК) сифат тизими сертификатланди. Қувончлиси, 2010 йил январь ойи ҳолатига 5 та қорхонада ўшбу тизим жорий этилган бўлса, ҳозирда вилоятда жами 41 та қорхона халқаро ISO 9001 стандарти талаблари асосида сертификатланди. Демак, ўшбу қорхоналар маҳсулотини «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида хорижликлар ишончи ва дунё бозорини забт этиши шубҳасиз.

Ҳамдам ХОДЖАЕВ,
Наманган синови ва сертификатлаштириш маркази давлат қорхонаси директори

Сўраган эдингиз

Тошкент шаҳрида истиқомат қилман. Ҳар йили ер, мол-мулк солигини ўз вақтида тўлаб бораман. Лекин уни ҳисоблаш механизмининг тушунмайман. Шунга оид маълумот берсангиз?

Ф.Тоирова

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан мулкда солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахслар ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи объектлари учун тегишли солиқлар «Ермулк-

— Жорий йилнинг 15 октябрга қадар йиллик ер, мол-мулк солиғи тўлаш мажбурияти ҳақида эшитганим ва ўша кунни қарзимдан қутулдим. Бироқ орадан бир ой ўтиб, уйимга 13 ноябрь санаси билан қарзни ўз вақтида тўламаганлигим сабабли пеня ва асосий қарз тўғрисидаги маълумот қайд этилган хат келди. Шу тўғрисида, ахир қарзимни ўз вақтида тўлаганман, бунга тасдиқловчи қитъа-циям ҳам бор-ку?

Ф.Жўраев

Қанча
солиқ тўлаш керак?

кадастр» хизматлари томонидан ҳар йили 1 январга бўлган ҳолатига тақдим этиладиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати ва ер майдонларига доир маълумотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган ставкалар асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2012 йилда жисмоний шахсларга тегишли турар-жойлар, квартиралар (шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 20 кв.м.дан ошқ бўлганлари бундан мустасно), дала ҳовли қурил-

малари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотларнинг инвентаризация қиймати нисбатан солиқ ставкаси 0,9 фоиз миқдорида белгиланган.

Шунингдек, республика шаҳарларида жойлашган турар-жойлар ва квартираларнинг умумий майдони 200 кв.м.дан 500 кв.м.гача бўлган инвентаризация қиймати нисбатан 1,1 фоиз ҳамда 500 кв.м.дан ошқ бўлганда 1,35 фоиз миқдорида мол-мулк солиғи ставкалари белгиланган.

Шу билан бирга, жисмоний шахслар мол-мулк баҳолаш бўйича органлар белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18 480,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8 030,0 минг сўм миқдорда мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Мол-мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказув-

чи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган турар-жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган 3,5 фоиз ставка бўйича тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги қарорининг 19-илоvasида Тошкент шаҳрида фуқаролардан яқна тартибда уй-жой қуриш учун берилган ернинг 1 кв.м. учун жойлашган зонасига қараб солиқ ставкаси белгиланган.

Жисмоний шахсларга

мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан 2012 йилнинг 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 160-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, фуқароларга уй-жойларга доир мулк ҳуқуқларини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаганлиги учун, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиниши белгиланди.

фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, агарда солиқларни ўз вақтида тўлаган бўлсангиз, тўлов қитъанциясига аниқлик киритиш мақсадида туман давлат солиқ инспекциясига мурожаат қилишингиз мумкин.

Б.АБИДУЛЛАЕВ,
ДСҚ бўлим бошлиғи

TURON BANK

ОАТ «ТУРОН БАНК»
жамоаси

барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллик байрами билан самимий табриклайди.

Ҳамда калава иплар тайёрлашга ихтисослашган замонавий технологиялар билан жиҳозланиб, айти пайтда фаолият кўрсатаётган «Фарғона Турон Текстил» фабрикаси сотилишини эълон қилади.

Батафсил маълумотларни www.turonbank.uz саҳифасида ёки (+99895) 142-31-66, (+99871) 271-66-77 (119 ички) телефонлари орқали ОАТ «Туронбанк»нинг Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментидан олишингиз мумкин.

Биомассадан муқобил ёқилғи

истеъмолчиларни энергия билан узлуксиз таъминлаш имконини беради

Инновация

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бугунги кунда давлат илмий техника дастурлари доирасида янгидан-янги инновацион лойиҳалар амалга оширилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Айниқса, қайта тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш йўналишида тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар диққатга сазовордир. Институтнинг илмий ишлар бўйича проректори Ғулум Узоқов билан суҳбатимиз олий ўқув юртида бу борада олиб борилаётган ишлар ҳамда эришилаётган ютуқлар ҳақида бўлди.

— 2011-2012 йилларда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш, инновацион корпоратив ҳамкорлик бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг кўлами анча кенгайди. Институтда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига мос келувчи 10 та илмий йўналиши белгилаб олинган. Давлат бюджетидан молиялаштирилган ва ҳўжалик шартномалари асосида олиб борилаётган илмий ишларнинг самарадорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Институт олимлари томонидан бажарилаётган илмий-тадқиқот ишлари халқ ҳўжалигининг энг муҳим тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, асосан мамлакатимиз жанубий ҳудудларидаги ҳўжаликлар, ишлаб чиқариш корхоналаридаги долзарб муаммоларнинг илмий ечимларини излаб топишга қаратилгандир.

Институтда ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида «Илмий-амалий тадқиқотларни ривожлантириш ва инновация» маркази ташкил этилган. Ўқув юртидаги 17 та кафедранинг барчасида етакчи профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистрантлар, иқтидорли талабалар ҳамда корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассисларидан ташкил топган инновацион гуруҳлар тuzилган. Вилоятдаги 100 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар билан корпоратив ҳамкорлик шартномалари тузилди, уларнинг илмий-технологик муаммолари банки яратилгани эътиборга молик.

Хусусан, Муборак иссиқлик электр маркази корхонаси билан ҳамкорликда бакалавр, магистр ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида «Минитехнопарк» ташкил қилинди. Ишлаб чиқариш корхоналаридан 10 дан ортиқ ёш мутахассислар илмий-тадқиқот ишларига жалб қилинди. Ҳамкорликда тайёрланган 8 та илмий ихтиро ва фойдали моделга патентлар олинди. Институт микёсида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари ўқув юртида ташкил этилган «Инновацион технологиялар» журнада ёритиб бориюмоқда.

Олимларимиз томонидан тайёрланган 18 та ишланма жорий йилда ўтказилган инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркасида намойиш этиш учун тавсия этилди. Улардан 5 таси санаот, 3 таси қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш, 4 таси илм-фан ва таълим соҳасидаги янгиларни ривожлантиришга қаратилган бўлса, 6 та ишланма ёш олимлар ва иқтидорли талабалар йўналиши учун тақдим этилди. Шулардан 8 та

илмий лойиҳа ҳақидаги маълумотлар V Республика ярмаркаси каталогига киритилди ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш бўйича турли ишлаб чиқариш корхоналари билан 292 250 000 сўмлик шартномалар имзоланишига эришилди.

— Институтда қайта тикланадиган энергия манбалари ва энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш йўналишида қандай илмий изланишлар олиб бориюмоқда?

— Маълумки, қуёш, шамол, сув, биомасса ва турли чиқиндилар ҳамда геотермал энергия қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобланади. Қашқадарь вилоятининг иқлим шaroитидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Республикаимиз жанубий ҳудудда жуда катта қувватга эга бўлган қуёш энергияси ресурсларидан кенг фойдаланиш имконияти бор. Хусусан, вилоятимизнинг


Тадқиқотларимиз Муборак иссиқлик электр маркази корхонасида яратилган тажриба қурилмаларида ўтказилди ҳамда ғўзапоя, дала ёввойи ўтлари, полимер ва резина чиқиндилар бўйича тажрибалар олиб борилди. Дастлабки натижаларга кўра, 100 кг ғўзапоядан 50-54 фоиз суюқ, 30 фоиз газсимон (биогаз) ва 18-20 фоиз ёғоч кўмири каби муқобил ёқилғи олинди. Биогазнинг таркибида 60-70 фоиз метан борлиги аниқланди.

Қарши, Ғузор, Касби, Косон, Муборак ва бошқа туманларида ёзнинг июль ойида ер сиртига тушадиган қуёш энергияси 1 кВт/м² гача етади. Июнь-июль ойларида бир суткада 1 м² ер сиртига 8-10 кВт соатгача қуёшнинг иссиқлик энергияси тушади. Бу иссиқликни олиш учун ҳозирги шaroитда 1,23-1,26 килограммгача шартли ёқилғи (тошкўмир)ни ёқишга тўғри келмоқда. Вилоятимиз табиий иқлим шaroитида қуёшли кунлар давомида 3000-3200 соатни ташкил этишини ҳисобга олсак, қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятлари нақадар катта эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ушбу имкониятдан биз электр энергияси ишлаб чиқариш, иситиш ва иссиқ сув таъминоти, мева-сабзавотларни қуритиш ва сақлаш, чўчүк сув олиш, марказлашган энергия таъминотидан узокда жойлашган аҳоли пунктларини иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлашда фойдаланишимиз мумкин.

Шу боис институтимизда ҳам қайта тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш йўналишида ёш олимлар, тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб бориюмоқда.

Хусусан, «Иссиқлик энергетикаси» кафедрасининг тадқиқотчилари кўп йиллардан буён



Муборак иссиқлик электр маркази корхонаси билан инновацион корпоратив ҳамкорлик доирасида қишлоқ ҳўжалик ва углеводородли чиқиндилардан муқобил ёқилғи олиш ва иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадқиқот ишларига институт доцентлари Ғ.Узоқов ва Р.Раббимов раҳбарлигида ишлаб чиқариш корхонасининг етакчи мутахассислари, кафедранинг ёш тадқиқотчилари ва иқтидорли талабалар жалб қилинган. Бу соҳадаги илмий ишларимизда Фанлар акаде-

нинг таркибида 60-70 фоиз метан борлиги аниқланди.

Биомассадан муқобил ёқилғи олиш қишлоқ жойларда, яъни марказлашган энергия таъминотидан узокда жойлашган истеъмолчиларни узлуксиз энергия билан таъминлаш имконини беради.

Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва марказлашган энергия таъминотидан узокда жойлашган истеъмолчилар учун мўлжалланган қурилмаларни жорий этиш мақсадида илмий тадқиқотларни давом эттириш ва илмий асосланган натижалар олиш ҳамда тадқиқотлар учун маълумотларда илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим тизимини тақомиллаштириш гранти» бўйича танловда иштирок этди. Ҳозирда кўлга киритилган чет эл гранти асосида «Қайта тикланадиган энергия манбалари» ўқув-илмий лабораторияси ташкил этилмоқда. Ушбу лаборатория таркибида автоном электр таъминоти учун поликристалл қуёш панеллари, қуёш энергиясидан иссиқ сув оладиган вакуумли коллекторлар, шамол двигатели ва қуёш радиациясини, ҳавонинг босими, намлиги, ҳарорати ҳамда шамолнинг тезлиги ва йўналишини юқори аниқликда ўлчаш имконини берадиган МЕТЕО 32 ўлчов асбоблари мажмуаси мавжуд. Ушбу ўқув-илмий лаборатория институтнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар кўлами ва самарасини ошириш, «Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари» ихтисослиги бўйича педагог кадрлар тайёрлаш ва талабаларни илмий ишларга жалб қилиш учун катта имконият яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда инновация туридаги иқтисодиётни фаол қўллаб-қувватлаш ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенг тарғиб этиш борасида амалга ошираётган чора-тадбирларидан яхши ҳабардормиз. Партиянинг вилоят Кенгаши бу борада ўтказаятган тадбирларда институтимиз олимлари билан кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— Институтда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида ёш олимлар иштироки қандай йўлга қўйилган?

— Олий ўқув юртимизда

иқтидорли ёшларнинг илмий, ижодий интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маданий, маънавий савиясини ўстириш, илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этиш, уларга билим олиш, ўз қобилият ва иқтидорини тўла намойиш этиш ҳамда ривожлантиришда барча зарур шароитларни яратишга муҳим эътибор қаратиб келинмоқда.

Институтда ёш олимлар, ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар илмий ишларининг уйғунлигини таъминлаш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилаётган. Талабаларнинг илмий тўғрақларида тайёрланган ўндан ортиқ техник ишланмалар ва лойиҳалари «Келажак овози — 2012» танловининг вилоят босқичида намойиш этилди. Ёш рационализаторларнинг учта лойиҳаси Республика босқичига тавсия этилди. Хусусан, институтнинг «Иссиқлик энергетикаси» йўналиши битирувчиси Сардор Ҳамроевнинг «Жанубий Ўзбекистон шaroитида экологик тоза ва энергия тежамкор қуёш уйи» лойиҳаси «Келажак овози» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, Республика босқичига йўлланма олганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ҳозирда институтимизда юқори илмий салоҳиятга эга кадрлар захирасини яратиш, ёш истиқболли кадрларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш, мамлакатимиз илмий салоҳияти ва куч-қувватини оширишга хизмат қилувчи, порлоқ келажакка эга, фойдодар ва ватанпарвар олимлар тайёрлаш мақсадида «Истиқболли ёш олимлар мактаби» ташкил этишни мўлжаллаётимиз.

Илос САХАТОВ
суҳбатлашди

Умри охиригача кўриқланади

АҚШ Конгресси мамлакатнинг собиқ президентларини ҳаётларининг сўнгига қадар кўриқлаш тарафдори. Собиқ раҳбарларнинг 16 ёшга етмаган фарзандларини ҳам ҳимоя остига олишни назарда тутадиган қонун лойиҳаси ҳозирча оғзаки овоз бериш йўли билан қабул қилинди.



Лойиҳа қонун мақомини олиши учун Сенат маъқуллашидан ўтиши, президент Барак Обама томонидан имзоланиши лозим. Эслатиб ўтамиз, 1994 йилда қабул қилинган қонунга кўра собиқ давлат раҳбарлари истеъфода чиққанларидан кейин 10 йил давомида кўриқланардилар.

1901 йилдан бошлаб амалдаги ва собиқ президентлар, вице-президентлар, президентликка номзодлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳамда элчионаларини Махфий хизмат ходимлари кўриқлашди (мазкур хизматнинг яна бир вазифаси молиявий соҳадаги жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олишдан иборат). Президент Мак-Кинли ўлдирилгандан кейин мамлакат раҳбарларини давлат ҳисобидан кўриқлаш тизими ишга туширилган эди. 1965 йили, президент Жон Кеннедига суиқасд уюштирилгандан кейин Конгресс собиқ президентларни бутун ҳаётлари давомида давлат ҳимоясига олиш ҳақида қонун қабул қилганди. Бироқ 1994 йилга келиб бу муддат 10 йилга қадар қисқартирилганди.

Махфий хизмат собиқ етакчилар ва уларнинг оила аъзоларини кўриқлаш учун қанча маблағ кетаётганлигини ошқор этмайди, шу сабабли бу тизим бюджетга қанчага тушаётганлиги номаълумлигига қолмоқда. Айни пайтда махфий хизмат амалдаги президент Обама, вице-президент Жо Байден ва уларнинг оила аъзоларини, шунингдек, собиқ президентлар Жимми Картер, Билл Клинтон, ота-бона Бушларни, Рональд Рейгanning беваси Нэнси Рейгани ҳам кўриқламоқда.

2018 йилга қадар қатъий иқтисод йўлидан борилади

Буюк Британия молия вазири Ж.Осборн мамлакатда қатъий иқтисод чора-тадбирлари 2018 йилга қадар қўзилишини билдириб, бунга давлат қарзини қайтариш борасидаги режа адо этилганини сабаб қилиб кўрсатган. Бу ижтимоий нафақалар миқдори яна қайтаришнинг кенгайиши билдириб.



Ёилнига акцизлар ошмаганлиги сабабли янги йўллар қуриш, Лондон метросини модернизация қилиш, мактаблар эҳтиёжлари учун қўшимча маблағларни излаб топишга тўғри келади.

Осборннинг таъкидлашича, мазкур сиёсат талаб даражасида юритилган тақдирда ҳам давлат қарзи фақат 2015 йил охири — 2016 йил бошларида келибгина қисқара бошлайди. Мамлакатда айнан шу пайти навабдаги умумий сайловлар бўлиб ўтади. Балки шу сабабидир, лейбористлар ҳукуматнинг иқтисодий режасини танқид қилишга шошдилар.

Зеро, Дэвид Кемерон ҳукумати яқин уч йил ичида иқтисоднинг ўсиш суръати пул қадрсизланишидан паст миқдорда бўлишини эътироф этмоқда. Жумладан, йирек пенсия жамғармаларининг солиқ имтиёзларини қисқартириш тўғрисидаги йилга юз миллиард фунт стерлинга яқин маблағ иқтисод қилинади. «Биламан, бундай солиқ чоралари ҳаммага ҳам ёқармайди, — дея эътироф этди Осборн. — Бироқ бюджет дефицитини қайтаришнинг енгил йўллари йўқ. Биз ҳаммамиз бир қайиқдамиз».

Шунингдек, молия вазири солиқ тўламаётганларга қарши кескин кураш олиб борилишини ҳамда вазирлик сарф-харажатлари қайтарилишини маълум қилган. Иқтисод қилинган маблағ янги мактаблар ва йўллар қуришга сарфланади.

Ўз навабда муҳолифатдаги лейбористлар партиясининг етакчиларидан бири Эд Боллс молия вазирининг бу режасини кескин қоралаган. «Бугун, икки ярим йилдан сўнг, мамлакатнинг барча фуқаролари амалдаги ҳукумат иқтисодий инқироз ботқоғига ботиб қолганини кўрмоқда», — дея баёнот берди у парламент йиғилишида. Боллснинг фикрича, молия вазирининг тақлифлари амалиётга татбиқ этилган тақдирда йиллик даромади ўртача 20 минг фунт бўлган оиланинг моддий аҳоли оғирлашади.

Меркель яна христиан-демократлар етакчиси этиб сайланди

4 декабрь куни бўлиб ўтган Христиан-демократлар иттифоқи съездида ГФР канцлери яна партия етакчиси этиб сайланди. Меркель делегатларнинг 97 фоиз овозини олган.



Бу эса Меркель ХДИни бошқариб келаётган 2000 йилдан бери энг яхши кўрсаткичдир. Шунингдек, Ганноверда ўтказилган съездеда Меркель яна бир бор ҳукумат раҳбари этиб сайланиш учун кураш бошлаганлигини маълум қилган.

Эслатиб ўтамиз, 2013 йил сентябрь ойида Бундестагда бўлиб ўтадиган сайловларда христиан-демократлар ғолиб чиққан тақдирда Меркель ўзини бор ГФР етакчиси бўлиши мумкин; канцлерни парламент сайлайди.

Тўғри, ХДИ 2011 йил охири — 2012 йил бошларида бўлиб ўтган минтақавий сайловларда айрим муваффақиятсизликларга учради. Бироқ мамлакатда Меркелнинг обрўси жуда баланд. 2012 йилнинг август ойида амалдаги канцлернинг рейтингини энг юксак даражага етган: 68 фоиз немислар Меркелнинг фаолиятдан қониқиб ҳосил қилишини билдиришган.

Айни пайтда мутахассислар мамлакатда ХДИнинг бошқарув коалициясидаги ҳамкори бўлган Эркин демократик партиянинг макеи бироз тушиб кетганлигини эътироф этишмоқда. Бироқ Меркель муҳолифатдаги Германия социал-демократик партияси ва «Яшиллар» билан музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини билдирган. Меркель 2005-2009 йиллари христиан-демократлар ва социал-демократлар ҳамкорлигида фаолият юритганлигини тез-тез эслаб туради. Уша пайтлари молия вазири вазифасида ишлаган социал-демократ Франк-Вальтер Штайнмайер бугунги кунда Меркелнинг асосий рақибидир.

Adolat ижтимоий-сиёсий газета		Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ	
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши		Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54; Маданият, ахборот, спорт ҳамда халқаро шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (142); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс); Котибият — 288-42-06 (148). Набатчи муҳаррир — Абдуҳамид Йўлдошев. Набатчи — Феруз Жўраев.	
Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Икбал МИРЗО, Мамазбир ХўҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖўРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Муқаррамхон АЗИМОВА, Раҳман ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.		«Adolat»дан кўчириб босиб таҳририят руҳати билан амалга оширилади.	
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Таҳририят маълиси: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй. adolat_gazeta@mail.ru		Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган. НАИР КўРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2013-5217 «Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма — 1200. Ҳажми — 6 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Адади — 5845. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топшириш — 00.00 1 2 3 4 5	

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

барча ватандошларимизни эркин
ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий
кафолати бўлмиш Асосий Қонунимиз —

Конституциямиз қабул

қилинганининг

20 йиллик улуг айёми

билан муборакбод этади.



Она Ватанимиз ободлиги йўлида
олижаноб мақсадларни кўзлаб меҳнат
қилаётган барча юртдошларимизни байрам
кайфияти тарк этмасин.

